Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

46 йил чиқиши
№ 140 (12.794)
18 июнь 1964 йил
Пайшанба
Баҳоси 2 тийин

Қорақалпоғистон пиллачиларининг ютуғи

НУКУС, («Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали). Қорақалпоғистон Автоном республикаси пиллачилари КПСС Марказий Комитети февраль ва декабрь Пленумлари тарихий қарорларини амалга ошира бориб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, давлатга пилла топшириш планини муддатидан илгари бажардилар. 580 тонна ўрнига 587 тонна пилла топширилди.

Автоном республиканинг Амударё, Чимбой, Кегайли ишлаб чиқариш бошқармалари пилла етиштиришда яхши кўрсаткичларга эришдилар.

280 ТОННА КАТТАҚЎРҒОН ПИЛЛАСИ

САМАРҚАНД. Каттақўрғон ишлаб чиқариш бошқармаси меҳнаткашлари натта ғалабани қўлга киритдилар. Бошқарма бўйича 5.328 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 52 килограммдан пилла олиниб, давлатга 280 тонна сифатли пилла топширилди.

ВЦСПС ПРЕЗИДИУМИДА

ХОРАЗМЛИК ПАХТАКОРЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ

Ўзбекистон ССРдаги Хоразм областининг меҳнаткашлари бу йил юз минг гектар ернинг ҳар гектаридан камида 32 центнер пахта олишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйдилар. Улар областда гектар бошига 30 центнердан кам «оқ олтин» ҳосили оладиган бирорта ҳам хўжалик бўлмаслигига эришамиз, деб аҳд қилдилар. Комплекс механизациялаштириш асосида ҳосилнинг учдан бир қисми машиналарда териб олинадиган бўлди.

Хоразм областидаги қишлоқ хўжалик ходимларининг ватанпарварлик ташаббуси мамлакатдаги пахтакор совхоз ва колхозларда қизғин маъқуллаб ва қувватлаб кутиб олинди.

ВЦСПС президиуми «Пахтакор» совхозлар коллективларининг гектар бошига камида 25 центнер пахта ҳосили олиш учун бошлаган социалистик мусобақаси ҳақида» қарор қабул қилди. Пахтакор республикалардаги касаба союзларининг советларига, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов ишчи ва хизматчилари касаба союзи комитетларига Хоразм области қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг мактубини пахтакор совхозлар коллективларининг, бўлимлар, бригадалар ва звеноларнинг йиғилишларида муҳокама қилиш тавсия этилди. Ана шу хўжаликлардаги ходимларнинг 1964 йилда мўл ҳосил олиш учун бошланган социалистик мусобақада кенг иштирок этишини ҳамда пахта етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан олинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш зарур. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XIII ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИ 1964 ЙИЛ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ҚАНДАЙ БАЖАРАЁТГАНЛИКЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленуми қайд қиладики, область, шаҳар, район партия комитетлари, саноат-ишлаб чиқариш зоналарининг ва колхоз-совхоз бошқармаларининг партия комитетлари, қурилишлардаги ва қурилиш индустрияси корхоналаридаги бошланғич партия ташкилотлари партия XXII съезднинг ҳамда КПСС Марказий Комитети шундан кейинги пленумларининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, капитал қурилишга раҳбарликни яхшиладилар, бинокорларнинг коллективларини республиканинг ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигини муносиб кутиб олишга сафарбар қилдилар ҳамда қурилиш-монтаж ташкилотлари, қурилиш индустрияси ва бинокорлик материаллари саноати корхоналарининг коллективлари томонидан 1964 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажаришда баъзи ютуқларга эришдилар.

Чирчиқ электрохимия комбинатида карбамид ишлаб чиқарувчи цехлар комплекси муддатидан олдин, 25 мартда ишга туширилди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг табрикномасида Чирчиқ бинокорлари ва монтажчиларининг меҳнатда эришган шонли ғалабасига юксак баҳо берилди.

Фарғона областида кокс, аммиак, эндотал ва нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи установкалар ишга солиб юборилди.

Партия комитетлари, бошланғич партия ва касаба союз ташкилотлари ташкилотчилик ишлари билан сиёсий ишни бир мақсадни кўзлаб олиб бораётганликлари натижасида 3, 153, 11-қурилиш трестлари, «Алмаликсвинецстрой», «Узбекгидроэнергострой», Тошкент уйсозлик комбинати ҳамда бошқа бир қанча қурилиш ташкилотлари ва корхоналарининг коллективлари қурилиш-монтаж ишлари планини ва ўз мажбуриятларини муваффақият билан бажардилар.

Аму-Бухоро ва Шеробод каналларини, Занг каналини, Каркидон сув омборининг иккинчи навбатини қураётган коллективлар яхши ишламоқда. Қорақалпоғистон АССР бинокорлари Қизкетган насос станциясини муддатидан олдин ишга туширдилар.

Мирзачўлда, Сурхондарё областининг Шеробод массивида пахтакор совхозлар тузиш ва Қорақалпоғистон автоном республикасида шоликор совхозлар барпо этиш соҳасидаги ишлар кенг кўламда олиб борилмоқда. «Эржарсовхозстрой» трестининг коллективи анчагина ютуқларга эришди. Наманган ва Бағдод колхозлараро қурилиш ташкилотлари колхоз посёлкаларини қайта қуриш соҳасида катта иш қилди.

Бинокорлар энергетика ва электрлаштириш объектларида қабул қилинган мажбуриятларни бажариш учун актив курашмоқдалар. «ТашГРЭСстрой» коллективи беш ойлик планни 131 процент бажарди. 512,8 километр узунликда юқори вольтли электр линияси, шу жумладан қишлоқ хўжалигини электрлаштириш учун 347,8 километр линия барпо этилди.

Бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарида социалистик мажбуриятларни бажариш учун кураш кенг қулоч ёзмоқда. Қувасойдаги цемент комбинати, 6, 8, 14, 15, 17-гишт заводлари бошқармаларининг коллективлари, шунингдек Тошкентдаги 1-, Фарғонадаги 3-, Олмалиқдаги 5-йиғма темир-бетон заводларининг, Олмалиқ ва Жумадаги норуда бинокорлик материаллари карьерларининг коллективлари яхши натижаларга эришдилар.

Айни маҳалда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг пленуми айрим партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг коллективлар томонидан қабул қилинган мажбуриятларни бажариш учун тегишинча кураш олиб бормаётганликларини қайд қилиб ўтади. Кўпгина қурилиш ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналари қурилиш суръатларини жадаллаштириб юбориш учун имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаяптилар. Республикада беш ойлик капитал қурилиш плани атиги 80 процент, шу жумладан саноат қурилишида 82 процент, сув хўжалиги ва қишлоқ қурилишида 72 процент бажарилди. Ана шу давр ичида пудратчи ташкилотлар қурилиш-монтаж ишлари планини 89 процент, шу жумладан «Узглавстрой» 93 процент, «Главташкентстрой» 96 процент, Сув хўжалиги министрлиги 85 процент ҳамда Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги 68 процент бажарди. Химия объектларини, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси, қишлоқ хўжалик хом ашёсини дастлабки қайта ишлаш, енгил, озиқ-овқат саноати корхоналарини ва қишлоқ хўжалик объектларини қуришда қолоқликка йўл қўйилди.

Уй-жой қурилишида жиддий камчиликлар мавжуд. Беш ой ичида республика меҳнаткашларига 21,3 минг квадрат метр уй-жой берилмай қолди. Андижон қишлоқ, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм область ижроия комитетлари, шунингдек Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети уй-жой қурилишида каттагина қолоқликка йўл қўйдилар. Кўпгина министрликлар ва бошқармалар, қурилиш ва лойиҳалаш ташкилотлари саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарини лойиҳалаштириш ва қуриш вақтида уй-жойлар билан маданий-маиший объектларни комплекс шаклда қуриш масалаларига эътибор бермаяптилар.

«Узглавстрой» ва «Главташкентстрой» ўз қарамоғидаги ташкилотларга қониқарсиз раҳбарлик қилиб келмоқда. «Узглавстрой»га қарашли 17 та қурилиш трестидан 12 таси, шу жумладан Андижондаги 162-, Намангандаги 10-, Бухородаги 163-, Урганчдаги 167-, Нукусдаги 166-, Термиздаги 165-трестлар беш ойлик планни бажармади. «Главташкентстрой» қарамоғидаги 6 та трестдан 3 таси планни адо этмади.

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигидаги 21 трест ва мустақил бошқармадан 16 таси планни бажармади. Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши Бинокорлик материаллари бош бошқармасининг 9 та корхонаси билан «Средазглавстройиндустрия»нинг 5 та корхонаси планнинг бажарилишини таъминламай, фақат 4 ой ичида 18,8 минг тонна цементни, 13,3 миллион дона гиштни, 10 минг куб метрга яқин йиғма темир-бетонни ва 80 минг куб метр норуда бинокорлик материалларини бера олмай қолди.

«Узглавстрой», «Главташкентстрой», Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар, Сув хўжалиги министрликларининг раҳбарлари қиш шароитида ишлашга тайёргарлик кўрмадилар, ҳамма қурилиш ташкилотлари планни бир меъёрда бажариши учун зарур чораларни амалга оширмадилар, шу йил январь ва февраль ойларида бажарилган ишлар ҳажмининг ўтган йил декабрь ойидагига нисбатан анча камайиб кетишига йўл қўйдилар.

Кўпгина трест ва бошқармаларда бинокорларнинг меҳнати ёмон уюштирилган, кучлар ва моддий ресурслар кўпдан-кўп объектларга сочиб юборилмоқда. Айрим қурилиш ташкилотларида иш вақтининг 10-13 процента бекор ўтмоқда, материаллар ва иш қўлами билан ўз вақтида таъминламаслик орқасида эса сменалар ичида бекор туриб қолиш ҳоллари қарийб 15 процентни ташкил этмоқда. Қурилишларда технологияга ва ишларни навбатма-навбат бажаришга кўпинча риоя қилинмаяпти, меҳнат интизоми паст бўлиб, прогулчиликка барҳам берилмаган.

Техникадан ёмон фойдаланилаётганлиги айниқса чидаб бўлмайдиган бир ҳолдир. Машина ва механизмлар одатда бир сменада ишлатилмоқда. Масалан, 163 ва 166-трестларда башняли кранлар бир суткада 5,9 соат, экскаваторлар 4,1 соат ва трактор погрузчиклари 1,3 соат ишлатиляпти, холос.

(Давоми иккинчи бетда).

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК САФАРИ

Н. С. ХРУШЧЕВ Е. О. КРАГ ҲУЗУРИДА БЎЛДИ

КОПЕНГАГЕН, 16 июнь. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев кунининг биринчи ярмида Дания бош министри Енс Отто Крагнинг Кристиансборг саройидаги резиденциясига бориб, унинг ҳузурида бўлди.

Н. С. Хрушчев билан Е. О. Краг ўртасида самимий дўстона суҳбат бўлиб ўтди.

Н. С. ХРУШЧЕВ ПОЙТАХТ МУНИЦИПАЛИТЕТИГА БОРДИ

КОПЕНГАГЕН, 16 июнь. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бугун ратушага борди. Бу ерда Копенгаген муниципалитетининг раиси Хенри Стьерниквист Н. С. Хрушчев, унинг рафиқаси ва унинг ҳамроҳлари шарафига нонушталик зиёфат берди.

Нонушта вақтида Н. С. Хрушчев билан Х. Стьерниквист нутқ сўзладилар. Нонуштада Дания бош министри Е. О. Краг рафиқаси билан бирга ҳозир бўлди.

Копенгаген. СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевнинг Данияда бўлиши. Юқоридаги суратда (чапдан): Л. А. Громико, Дания ташқи ишлар министри П. Хекеруп, Н. С. Хрушчев ва Е. О. Краг. Пастдаги суратда Н. С. Хрушчев ва Е. О. Краг бир-бирлари билан қўл қисишиб кўришмоқдалар.

ТАССнинг махсус мухбири В. Егоров фотолари. (Фототелеграф орқали олинган).

Н. С. ХРУШЧЕВ ҲАЛОК БЎЛГАН ДАНИЯЛИК ВАТАНПАРВАРЛАР ЁДГОРЛИГИГА ГУЛЧАМБАР ҚЎЙДИ

КОПЕНГАГЕН, 16 июнь. (ТАСС). Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. С. Хрушчев бугун Миннелунен қабристонини зиёрат қилди. Бу ерда иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳалок бўлган даниялик ватанпарварларга ёдгорлик ўрнатилган. Н. С. Хрушчев ёдгорлик тагига атир гуллардан ясалган гулчамбар қўйди.

Данияликлар Совет ҳукуматининг бошлиғини шоду ҳуррамлик билан кутиб олмоқдалар. Расмий сафар бошланганлиги муносабати билан Копенгаген кўчалари СССР ва Дания байроқлари билан безатилди. Кўчаларни лиқ тўлдирган халойиқ Н. С. Хрушчевни қизғин табрикламоқда.

Ҳурмат тахтаси

ПИЛЛА ТАЙЁРЛАШ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРГАНЛИКЛАРИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ОБЛАСТЬ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАЛАРИ РЕСПУБЛИКА ҲУРМАТ ТАХТАСИГА ЕЗИЛАДИЛАР:

Хоразм области (область партия комитетининг секретари **Б. РАҲИМОВ**, область ижроия комитетининг раиси **Н. МУРОДОВ**, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармасининг бошлиғи **А. ОРАТОВСКИЙ**, область комсомол комитетининг секретари **Г. ҲОЖИЕВА**, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **С. НУРМАТОВА** ўртоқлар).

Қўрғонтепа ишлаб чиқариш бошқармаси (район ижроия комитетининг раиси **Т. ТЕШАБОЕВА**, ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи **Т. МАМАЖОНОВ**, бошқарма партия комитетининг секретари **Қ. АВАЗМАТОВ**, комсомол комитетининг секретари **Т. ХОЛИҚОВ**, пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **Н. ЦЕЛОВАЛЬНИКОВА** ўртоқлар).

Чимбой ишлаб чиқариш бошқармаси (район ижроия комитетининг раиси **У. БЕКИМБЕТОВ**, ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи **Б. АЛИЕВ**, бошқарма партия комитетининг секретари **К. АБДУРАИМОВ**, комсомол комитетининг секретари **У. МАДРАИМОВ**, пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **Ш. ХИДИРОВ** ўртоқлар).

Ҳазорасп ишлаб чиқариш бошқармаси (район ижроия комитетининг раиси **А. ИБРОҲИМОВ**, ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи **А. МАҲМУДОВ**, бошқарма партия комитетининг секретари **М. РАЖАБОВ**, комсомол комитетининг секретари **К. ҲОЖИЕВ**, пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **Ю. СОБИРОВ** ўртоқлар).

Гурлан ишлаб чиқариш бошқармаси (район ижроия комитетининг раиси **К. ЎРАЗМАТОВ**, ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи **Ш. ҚУРБОНОВ**, бошқарма партия комитетининг секретари **Х. РАҲИМОВ**, комсомол комитетининг секретари **Г. ТОЖИМОВА**, пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **Х. КУРАЛОВА** ўртоқлар).

Шовот ишлаб чиқариш бошқармаси (район ижроия комитетининг раиси **А. МАТЧОНОВА**, ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи **Н. МУҲАММАДЖОНОВ**, бошқарма партия комитетининг секретари **П. НАЗАРОВ**, комсомол комитетининг секретари **А. МАТКАРИМОВ**, пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **С. ОТАЖОНОВ** ўртоқлар).

ПОЛЬША БИРЛАШГАН ИШЧИ ПАРТИЯСИНИНГ IV СЪЕЗДИГА

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети қардош Польша Бирлашган ишчи партиясининг IV съездини совет коммунистлари ва бутун совет халқи номидан қизғин табриклайди ҳамда сизларга, сизлар орқали эса поляк коммунистларининг бир ярим миллион кишилик армиясига, Польша Халқ Республикасининг барча меҳнаткашларига самимий салом йўллаб, ишингизда муваффақиятлар тилайди.

Польша Бирлашган ишчи партиясининг IV съезди халқ Польшасининг 20 йиллик тараққиётига якун ясалаётган шонли кунларда ўтмоқда. Меҳнатсевар ва истеъдодли поляк халқи фашистлар асорати ва социал зулм нишанларидан халос бўлгач, ўз ватанини сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантиришда ғоят катта ютуқларга эришди. Ҳозирги Польша — экономикаси, маданияти, илм-фани юксак погонага кўтарилган озод, мустақил халқ давлатидир. У, миллатларнинг улуғ социалистик ҳамдўстлигида, ҳозирги замонининг барча йирик проблемаларини ҳал қилишда ҳақиқий суратда муносиб ўрин эгаллаб турибди.

Ҳозирги кунда поляк халқини қонуний равишда фахрлантираётган ютуқларнинг ҳаммаси, поляк халқининг турмушини тубдан ўзгартириб, яхшилаб юборган нарсаларнинг ҳаммаси поляк ва халқаро революцион ҳаракат шонли традицияларининг вориси ва давомчиси Польша Бирлашган ишчи партияси билан боғлангандир. Польша Бирлашган ишчи партияси ўзининг бутун фаолиятида марксча-ленинча назарияга изчил равишда амал қилиб, барча демократик партияларга ва меҳнаткашларнинг оммавий ташкилотларига қонил ишонч билан етакчилик қилмоқда, мамлакатда социализм қурилишига маҳорат билан раҳбарлик қилмоқда. Польша Бирлашган ишчи партияси тинчлик ва социализм ишига муттасил вафодорлиги, меҳнаткашларнинг манфаатларига чексиз содиқлиги туфайли, янги ҳаёт қурилишига ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилаётганлиги туфайли ҳалқ равишда бутун поляк халқининг ҳурмати ва ишончига сазовор бўлди.

Польша Бирлашган ишчи партияси халқаро коммунистик ҳаракатнинг жанговар ва чиниққан отряларидан биридир. У жаҳондаги коммунистик ва ишчи партиялар ваниллари кенгашларининг келишиб олинган қарорлари позицияларида, пролетар интернационализми позицияларида қаттиқ турибди. Поляк коммунистлари социалистиклагернинг ва бутун халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлигини мустаҳкамлаш ишига, догматизм ва ревизионизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши, ХКП раҳбарларининг бузғунчилик фаолиятига қарши кураш ишига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Биз халқаро сиёсатнинг, шунингдек жаҳон коммунистик ҳаракатининг ҳамма масалаларида Польша Бирлашган ишчи партияси билан КПСС муштарак позицияда турганликларини, бу позиция уларнинг марксизм-ленинизм принципларига асосланган идеология соҳасидаги бирлигидан келиб чиқаётганлигини яна бир карра таъкидлаш билан хурсандмиз. Сўнгги ўн йил мобайнида ва айниқса КПСС XX съездидан кейин партияларимизнинг бирлиги тагин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди. Польша Бирлашган ишчи партияси ва бутун поляк халқи бизнинг синалган ва самимий дўстимиз эканликларини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун совет халқи яхши биладилар. Шу нарсага амин бўлаверингизки, азиз ўртоқлар, совет коммунистлари билан бутун совет халқи ҳам сизларнинг абадий ишончли ва вафодор дўстларингиз ҳамда иттифоқчиларингиздирлар.

Азиз ўртоқлар, социализм қурилишида, ўз халқингизнинг фаровонлиги ва бахт-саодати учун, ер юзида мустаҳкам тинчлик ва барча мамлакатларнинг халқлари ўртасида дўстлик учун олиб бораётган курашингизда сизларга чин юрақдан янги-янги зўр ютуқлар тилаймиз.

Яшасин социализм қураётган меҳнатсевар, истеъдодли поляк халқи!

Яшасин поляк халқининг синалган авангарди — Польша Бирлашган ишчи партияси!

Бузилмас Совет—Польша дўстлиги абадий яшнай берсин ва ҳаётий кучларга тўла берсин!

Яшасин социалистик ҳамдўстликнинг ҳамда бутун жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги!

Яшасин марксизм-ленинизм!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИ 1964 ЙИЛ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ҚАНДАЙ БАЖАРАЁТГАНЛИКЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигидаги объектларни қуриш орқага суриб юборилаётганлиги жиддий ташвиш туғдирмоқда. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш, Сув хўжалиги министрликлари ва «Узглавстрой» ҳажми анча ошиб кетган капитал маблағларни ўзлаштиришга ҳозирлик кўрмадилар, қишлоқда қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур чораларни амалга оширмадилар.

Республикадаги қурилиш ташкилотлари қурилиш ишларининг сифатига лозим даражада эътибор бермаяптилар. Қурилишларда бинокорлик нормаларини ва қоидаларини бузиш фактлари кўплаб содир бўлмоқда.

Ўзбекистон ССР «Госстрой»и республикада қурилиш ишларига раҳбарликни ҳали ҳам тўлиқ амалга ошираётгани йўқ, қурилиш ишлаб чиқаришини рационал ташкил этишга, унинг сифатини оширишга, индустриал методларни ва илғор технологияни қурилишга ва қурилиш индустриясига жорий қилишга, айниқса қишлоқ қурилишида лойиҳалаштириш ишларини яхшилаш ва бинокорлик ишлари қимматини камайтиришга кам эътибор бермоқда. СССР Қурилиш банки ва Давлат банкининг республика конторалари, Ўзбекистон ССР Молия министрлиги қурилишда пудратчилик шартномаларининг амалга оширилиши устидан таъсирчан контроль ўрнатмадилар ҳамда молия интизомини қўпол равишда бузиш ҳолларига зарба бериш учун кескин чораларни кўрмаяптилар.

Айрим заказчи министрликлар, бошқармалар ва корхоналар, айниқса Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги капитал қурилишга кун сайин эътибор бермаяптилар, пул хўжжатларини расмийлаштиришни, қурилиш учун участкаларни ҳозирлаб беришни, лойиҳа-смета ҳужжатларини топшириш ҳамда технология, электротехника ва нестандарт ускуналар билан махсус материалларни етказиб беришни ўз вақтида таъминлаш чораларини кўрмаяптилар, ўз маблағларидан қурилишни пул билан таъминлаш планларини бажармаяптилар, қилинган бинокорлик ишларига ҳақ тўлашни пайсалга солиб келмоқдалар.

1 майгача бўлган маълумотларга қараганда, заказчиларнинг бажарилган ишлар учун «Узглавстрой»га ва «Главташкентстрой»га бўлган қарзи 10,3 миллион сўмга етган, шу жумладан Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгашининг қурилишлари бўйича бу қарз 4,6 миллион сўмга, маҳаллий советларнинг қурилишлари бўйича 960 минг сўмга етган. Колхозларнинг колхозлараро қурилиш ташкилотларига бўлган қарзи 8,5 миллион сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми қайд қиладики, баъзи область, шаҳар ва район партия комитетлари, саноат ишлаб чиқариш партия комитетлари ва колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетлари ўз ишларини КПСС Марказий Комитети ноябрь (1962 йил) Пленумининг қарорлари асосида ҳали ҳам қайта қуриб олганлари йўқ, капитал қурилишга етарли эътибор бермаётирлар, ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишлар даражасини оширишда, коллективларни олинган социалистик мажбуриятларни бажаришга, илғорлар тажрибасини пропаганда қилишга сафарбар қилишда қурилишлар, бинокорлик материаллари саноатининг ва қурилиш индустриясининг корхоналаридаги бошланғич партия ташкилотларига кам ёрдам кўрсатмоқдалар, қолоқ қурилиш ташкилотларининг ишларини яхшилаш, мавжуд резервларни топиш ва улардан фойдаланиш учун амалий чоралар кўрмаётирлар.

Партия комитетлари, бошланғич партия, касаба союз ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари бинокорларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш масалалари билан тузук шуғулланмаётирлар. Бир қанча қурилишларда умумий овқатланиш, маданий-маиший ва медицина хизмати кўрсатиш ёмон ташкил этилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми **қарор қилади:**

1. Область, шаҳар, район партия комитетлари, саноат-ишлаб чиқариш зоналарининг ҳамда колхоз-совхоз (совхоз-колхоз) ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетлари бинокорлар орасида оммавий-сиёсий ишларни ташкил этишни яхшиласинлар, уларнинг ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажариш учун мусобақани кенг авж олдирсинлар, коммунистик меҳнат ҳаракатини бутун чоралар билан ривожлантирсинлар, бу ишнинг савиясини оширишда қурилишларнинг, бинокорлик материаллари ва қурилиш индустрияси корхоналарининг бошланғич партия ташкилотларига доим ёрдам бериб турсинлар.

Пленум қурилишлардаги, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналаридаги партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларидан қурилишлардаги, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналаридаги ташкилотчилик ишининг қўйилишини қатъиян яхшилашни, қолоқ участкаларни тажрибали кадрлар билан мустаҳкамлашни, қурилиш ишларининг ҳал қилувчи участкаларида коммунистларни жой-жойига тўғри қўйиб ишлатишни талаб қилади.

2. Область, шаҳар партия комитетлари, саноат-ишлаб чиқариш партия комитетлари, ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетлари, область ижроия комитетлари, республика Госплани, Госстройи, министрликлари ва идоралари қурилиш ташкилотларига раҳбарликни тубдан яхшиласинлар, капитал қурилиш соҳасида 1964 йил учун қабул қилинган планларни ва социалистик мажбуриятларни барча объектларда муддатидан олдин бажаришни таъминламоқ учун ҳамма чораларни кўрсинлар. Қишлоқ қурилиши планини бажаришни таъминлайдиган чоралар кўриб чиқилсин.

«Узглавстрой», «Главташкентстрой», Сув хўжалиги министрлиги, Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги, «Голодностепстрой», «Қаршистрой», «Узглавколхозстрой» қурилиш ташкилотларининг моддий-техника ресурсларини биринчи навбатда битказишни лозим бўлган қурилишларга тўпласинлар, қурилиш-монтаж ишлари планини ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини, мактаблар, уй-жой биноларини, болалар муассасаларини ва даволаш муассасаларини биноларини қуриб битказиш планини бажаришдаги қолоқликни июнь-июль ойларида тугатсинлар. Химия саноати объектларини қуришга алоҳида эътибор берилсин.

Республика қурилишларида монтаж ишларини бажараётган «Главсредазспецмонтаж»га қарашли монтаж бошқармаларининг раҳбарлари ўзларига қарашли ташкилотларнинг ҳар бир объект бўйича келишиб олинган графикларга қаттиқ риоя қилишларини таъминласинлар.

3. Пленум Ўзбекистон Компартиясининг область комитетларига ва Тошкент шаҳар комитетига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетларига «Узглавстрой», «Главташкентстрой», Сув хўжалиги министрлиги, Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги, «Голодностепстрой», «Қаршистрой» ва «Главколхозстрой» сингари орқада қолаётган қурилиш трестларининг ишларини яхшилаш тадбирларини бир ой муддат ичида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифасини юклайди.

4. Тошкент шаҳар партия комитети, Тошкент саноат область партия комитети Тошкентда лак-бўёқ заводи, резинатехника буюмлари заводи, пластмасса буюмлари заводи ва бошқа шу каби химия корхоналари қурилишини кучайтириш учун қатъий чоралар кўрсинлар.

5. Қурилиш индустрияси ва бинокорлик материаллари саноати объектларини қуриш орқада қолаётганлигини ҳисобга олиб, пленум «Узглавстрой», «Главташкентстрой», Сув хўжалиги министрлиги зиммасига шу тармоқларни, айниқса норуда бинокорлик материаллари ва йиғма темир-бетон корхоналарини илдам ривожлантириш учун зарур чораларни кўриш ва буни таъминлаш вазифасини юклайди.

6. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига 1965 йилда бажариладиган қурилиш-монтаж ишларининг ҳажмига мувофиқ лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш қандай бораётганлигини министрликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддат ичида кўриб чиқиш ва ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш топширилсин.

7. Ўзбекистон ССР Госплани ва Ўзбекистон ССР «Госстрой»ига 1965—1966 йилларга мўлжалланган план лойиҳаси тузилаётган вақтда планлаштирилаётган капитал қурилишлар ҳажмини бинокорлик материалларига ва конструкцияларига бўлган эҳтиёжни таъминлайдиган қилиб қурилиш индустрясининг базасини янада ривожлантиришни «Госсредазстрой», «Средазирсовхозстрой» ва Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги билан бирга кўзда тутиш топширилсин. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилашга, қурилиш индустрияси ва бинокорлик материаллари корхоналарини янада ихтисослаштиришга ва янги қувватларни ишга туширишни жадаллаштиришга алоҳида эътибор берилсин.

8. Ўзбекистон ССР «Госстрой»и қурилишга, илғор технологияни жорий қилишга, меҳнатни ташкил этишга, қишлоқ хўжалик қурилишини ва сув хўжалиги қурилишини янада индустриалаштиришга раҳбарликни кучайтирсин, машиналар ва механизмлардан фойдаланишни яхшилашга, лойиҳалаш ва қурилиш ишларининг сифатини оширишга кўпроқ эътибор берсин.

9. Қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари прорабларнинг ва мастерларнинг қурилиш сифати учун масъулиятини оширишга қаратилган зарур чораларни кўрсинлар.

Республикадаги қурилиш индустрияси ва бинокорлик материаллари саноати корхоналарининг раҳбарларига ишлаб чиқарилаётган материаллар ва конструкциялар сифатини ошириш тадбирларини бир ой муддат ичида ишлаб чиқиш вазифаси топширилсин.

10. Ўзбекистон ССР Госплани қурилиш учун зарур мосламаларни, асбоб ва инструментларни республика корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш тадбирларини Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши ва «Госсредазстрой» билан биргаликда бир ой муддат ичида ишлаб чиқсин.

11. Республика министрликларининг ва идораларининг раҳбарлари бажарилган қурилиш-монтаж ишлари учун тўланиши лозим бўлган ва муддати ўтиб кетган қарзларни икки ҳафта муддат ичида тугатиш чораларини кўрсинлар. Қурилиш банкининг, Давлат банкининг республика конторалари ва Ўзбекистон ССР Молия министрлиги пудрат шартномаларининг амалга оширилиши, молия интизомига риоя қилинишин, капитал қурилишга ва айниқса ускуналар сотиб олишга ажратилган маблағларнинг сарфланиши устидан контролни кучайтирсинлар.

12. Қишлоқ ва сув хўжалиги қурилишида жиддий қолоқлик борлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Компартиясининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик бюросига «Узглавколхозстрой»ни ва унинг жойлардаги қурилиш ташкилотларини тузишни тугаллаш, уларнинг ишларини тубдан яхшилаш чораларини кўриш топширилсин. Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигининг ҳамда Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигининг «Узсельхозтехника» бирлашмасининг қишлоқ ва сув хўжалиги объектларини қуриш қандай бораётганлиги ва шу объектларни қуриш ишларини яхшилаш чоралари тўғрисида июль ойи ичида ҳисоботларини эшитиш вазифаси топширилсин.

13. Маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга катта аҳамият бериб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми маданий-маиший объектларни қуришда ва уларни ишга туширишда йўл қўйилган қолоқликни тугатиш учун қўшимча чоралар кўришни «Узглавстрой», «Главташкентстрой», «Голодностепстрой», «Узглавколхозстрой», Коммунал хўжалик министрлиги, Маиший хизмат кўрсатиш бош бошқармаси зиммасига юклайди.

14. Пленум партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, қурилиш ташкилотларининг, Савдо министрлигининг, Маданият министрлигининг, Кинематография комитетининг, Маданий хизмат кўрсатиш бош бошқармасининг раҳбарлари зиммасига бинокорларга, айниқса янги ерлар ўзлаштирилаётган ва янги совхозлар қурилаётган жойларда маданий ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш вазифасини юклайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми қурилиш ташкилотларидаги, лойиҳалаш муассасаларидаги, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналаридаги барча коммунистлар ва комсомолларни, барча ишчиларни, инженер-техник ходимларни олинган мажбуриятларни бажармоқ учун курашга актив қўшилишга, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдиришга, республикада капитал қурилишни янада юксалтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини, уй-жой биноларини, мактаблар, болалар муассасалари ва даволаш муассасаларини биноларини муддатидан олдин қуриб битказишни таъминлашга чақиради.

Пленум қатъий ишонч билдириб шуни айтадики, энг муҳим масала бўлган, халқ фаровонлигини янада оширишнинг ва совет кишиларининг коммунизм сари муваффақиятли равишда олга боришининг гарови бўлган капитал қурилишни бутун чоралар билан ривожлантирмоқ учун республика меҳнаткашлари ўз куч ва ғайратларини аямайдилар.

Совет адабиёти ва санъатининг олижаноб вазифаси

16—17 июнда Тошкентда Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон ижодий ходимларининг ненгаши бўлиб ўтди

Ҳарбий ненгаш аъзоси — Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант Н. С. Демин «Жангчиларни, барча совет ёшларини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашни янги вазифалар даражасига кўтарайлик» деган темада доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда қатнашган ёзувчи Ҳамид Ғулом (Ўзбекистон), Қозоғистон комсомоли Марказий Комитетининг секретари И. Зарубин, композитор З. Шоҳидий (Тожикистон), ёзувчи Мониш Ўғли (Қозоғистон), Туркистон ҳарбий округи ветеранлар кенгашининг аъзоси Б. Пантер ва бошқалар КПСС Марказий Комитети июнь Пленумидан кейин совет жангчиларини ва армияга чақириладиган ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш анча яхшиланганлигини айтдилар.

Нотиқлар Ватаннинг шонли ҳимоячиларининг қундалик жанговар ишлари тўғрисида кинофильмлар яратиш зарурлигини айтдилар. Улар солдат ва сержантларни ўз хизмат бурчини бенуқсон адо этишга руҳлантирувчи янги қўшиқлар сўнгги йилларда яратилмаганлигига шоирлар билан композиторларнинг эътиборини жалб қилдилар.

Маданият ходимлари насаба союзи Ўзбекистон , республика комитетининг раиси Ш. Шарипов адабиёт ва санъат арбобларининг ҳарбий қисмларга оталиқ қилиш соҳасидаги иш тажрибаларини сўзлаб берди.

Туркманистон комсомоли Марказий Комитетининг бўлим мудири Т. Қўлдошева Ашхобод гарнизони жангчиларининг ёш ишчилар, колхозчилар, ўқувчилар билан алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётганлигини айтди.

Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони армия генерали И. И. Федюнинский ненгашда нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистни партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевга ёзилган табрикномани баланд руҳ билан қабул қилдилар.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. В. Мартинов қатнашдилар. (ЎзТАГ).

ДЎСТЛИГИМИЗ АБАДИЙ

Болгария Коммунистик партияси партия ходимлари делегациясининг Совет Иттифоқида бўлиши

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари М. Григоров бошчилигидаги Болгария Коммунистик партияси партия ходимларининг делегацияси КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан, 4 июндан 16 июнгача Совет Иттифоқида бўлди.

Болгариялик ўртоқлар Совет Иттифоқида бўлган вақтларида КПССнинг идеологик иш тажрибаси билан танишдилар. Делегация КПСС Марказий Комитетида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. Ф. Ильичев билан суҳбатларда бўлди. Делегация КПСС Марказий Комитетининг идеология бўлимида, КПСС Москва шаҳар комитетида ва КПСС Москва шаҳридаги Свердлов район комитетида ҳам учрашувларда бўлди.

Болгария Коммунистик партиясининг партия ходимлари делегацияси мамлакат бўйлаб сафар қилди. Ўзбекистонда болгариялик ўртоқлар республиканинг саноат корхоналари ва колхозларини бориб кўрдилар, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов ва бошқа раҳбар партия ходимлари билан учрашдилар. Иркутск областида делегация Братск ГЭСини бориб кўрди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. Ф. Ильичев делегациянинг мамлакат бўйлаб қилган сафарида унга ҳамроҳлик қилди.

15 июнда КПСС Марказий Комитети делегация шарафига зиёфат берди. Зиёфатда Совет томонидан П. Н. Демичев, Л. Ф. Ильичев, Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари ҳозир бўлдилар. Болгария Халқ Республикасининг Москвадаги элчихонаси Болгария партия ходимлари делегациясининг Совет Иттифоқида бўлиши муносабати билан ўша куни қабул маросими ўтказди.

16 июнда КПСС Марказий Комитетида Болгария партия ходимлари делегациясининг КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитети секретарлари Л. Ф. Ильичев ва Б. Н. Пономарев билан яқинловчи суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди. Суҳбатда ҳар иккала партияни қизиқтираётган, дўстона муносабатларни ва амалий алоқаларни янада мустаҳкамлашга, КПСС билан Болгария Коммунистик партиясининг идеология иши соҳасидаги алоқаларини янада кенгайтиришга қаратилган масалалар муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитети Болгария коммунистларининг идеология иши тажрибаси билан танишиш учун партия ходимлари делегациясини Болгарияга юбориш тўғрисида Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг таклифини миннатдорчилик билан қабул қилди.

Ўша куни делегация Софияга жўнаб кетди. Шереметьево аэродромида делегацияни М. А. Суслов, Л. Ф. Ильичев, КПСС Марказий Комитети бўлимлари мудирларининг ўринбосарлари В. И. Спастин, Л. Н. Толкунов, А. В. Романов, Д. А. Поликарпов, А. И. Горчаков, КПСС Марказий Комитети кичик бўлимининг мудири В. В. Кортунов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари кузатиб қолдилар. Делегацияни Болгария Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси Стоян Караджов ва элчихона ходимлари ҳам узатдилар.

ЗАРБДОР ҚУРИЛИШГА—ЗАРБДОР СУРЪАТ!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА РЕСПУБЛИКА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ПАРТИЯ-ДАВЛАТ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

Аму—Бухоро машина канали йирик гидротехника иншоотларидан биридир. Бу канал қуриб битказилиши билан юз минг гектардан ортиқроқ эски ва янги ерлар сув билан таъминланади.

Кўп минг кишилик қурувчилар коллективи бу иншоотнинг муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга эканлигини ҳисобга олиб, канални шу йилнинг август ойида қуриб битказиш ва фойдаланишга топшириш тўғрисида янги мажбурият қабул қилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати қурувчиларнинг бу ватанпарварлик ташаббусини маъқулладилар. Ҳозир канал қурилишида ишлаётган кўпчилик ташкилотлар қурилишнинг биринчи навбатини белгиланган муддатда битказиш учун бутун куч ва ғайратларини сарфламоқдалар. 102 километр узунликдаги канал ўзани қазиб бўлинди, Қорақўл—Ҳамза ва Навоий—Қуйимозор электр узатиш линиялари барпо этилди. Ҳамза насос станциясининг сув ўтказгич қисмларида монтаж ишлари тугалланди, Қуйимозор насос станцияси қурилиши тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг партия-давлат контроли комитети аниқлашича, бу улкан қурилишда бир қатор масалалар ҳамон сусткашлик билан ҳал қилинмоқда, айрим ташкилотлар ўзларига юкланган вазифаларни бажармаётирлар, партия ва давлат интизомининг бузилишига йўл қўйилмоқда.

Айрим объектларда қурувчилар графикни бажаришмаяпти, кўп ишлар графикда белгиланганидан 10-20 кун кейин қолмоқда.

Сув хўжалиги министрлиги қурилишга етарли миқдорда механизмлар етказиб бермасдан, қурилишга раҳбарлик қилишда катта нуқсонларга йўл қўймоқда. Мавжуд техникадан унумсиз фойдаланиляпти. Қурилиш ҳалигача инженер-техник ходимлар ва механизаторлар билан тўла таъминланмаган. Жуда кўп экскаваторлар уч смена ўрнига икки сменада ишлатилмоқда. Запас қисмларнинг йўқлиги оқибатида жуда кўп машина ва механизмлар бекор турибди. «Узсельхозтехника» бирлашмаси эса қурилишдаги механизмларга запас қисмлар етказиб бериш чорасини кўрмаётир.

Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги юк ташиш тўрт ойлик планини бажарганлиги 66 процент бажарди, холос. Бу министрлик кўприклар қурилишлари билан ниҳоятда ёмон шуғулланмоқда.

«Главсредазстройиндустрия» қурилишга темир-бетон ва металл конструкцияларни ўз вақтида етказиб бермасдан, насос станциялари ҳамда гидротехника иншоотларини қурилишида ишнинг сусайишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек шағал ва қум ҳам қурилишга ўз вақтида керакли миқдорда етказиб берилмаётир. Аму—Бухоро канали қурилиши билан боғлиқ бўлган бошқа ташкилотларнинг ишида ҳам ана шундай жиддий нуқсонлар бор.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг партия-давлат контроли комитети Сув хўжалиги министрлигининг эътиборини канал қурилишидаги ана шу нуқсонларни тезда бартараф этишга жалб этди. Бунинг учун канал қурилишида меҳнатни тўғри ташкил этиш, графикда белгиланган ишларнинг ўз муддатида бажарилишига эришиш, қурилишни инженер-техник ходимлар ва механизаторлар билан таъминлаш, механизмлар кучидан унумли фойдаланиш чораларини кўриш керак.

Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрининг ўринбосари ўртоқ Ражабовнинг кўприклар қурилиши 15 июлгача битказилади ва ярим йиллик план ошиғи билан адо этилади, деб берган маълумоти ҳисобга олинди.

«Главсредазстройиндустрия» бошлиғи ўртоқ Қаюмовнинг темир-бетон конструкциялари етказиб бериш юзасидан олинган заказлар бажарилди, деталлар жўнатилди, металл потрубкалар июнь ойининг иккинчи ўн кунлигида жўнатиб бўлинади, қурилиш шағал ва қум билан бир меъёрда таъминлаб турилади, деб берган ахбороти ҳам мақбул топилди.

Комитет Ўзбекистон ССР савдо министри Саримсоқов ва «Ўзбекбирлашув» правлениесининг раиси Супотницкий ўртоқларга қурувчиларни яқин кунлар ичида озиқ-овқат билан тўла таъминлаш масалалари билан боғлиқ бўлган барча тадбирларни кўришни топширди.

СССРнинг ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ МАТБУОТ БЎЛИМИНИНГ АХБОРОТИ

БОННН, 17 июнь. (ТАСС). ДПА агентлиги ССР Иттифоқи Большой театрининг балет артистларига берилган рухсатномалар бекор қилинганлиги тўғрисидаги хабарни тарқатганлиги муносабати билан СССРнинг Германия Федератив Республикасидаги элчихонаси матбуот бўлими қуйидагиларни маълум қилади:

ДПА агентлигининг хабарида гўё артистларнинг Ғарбий Берлинда томоша кўрсатиши тўғрисида берилган ваъда бажарилмаганини назарда тутиб, Большой театрнинг балет артистларига берилган рухсатномаларни федерал ҳукумат бекор қилди, дейилади.

СССР элчихонасининг матбуот бўлими шу муносабат билан маълум қиладики, совет томонидан ҳеч кимга бундай ваъда берилган эмас. Большой театр балет артистларининг Ғарбий Берлинда томоша кўрсатиши шартномада ҳам кўзда тутилган эмас. Шу сабабдан, Большой театр балет артистларининг Ғарбий Берлинда томоша кўрсатиши ҳақидаги қандайдир ваъдага вафо қилинмади ёки шартномага хилоф иш тутилди, деган даъволар ҳеч қандай асосга эга эмас.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Д. А. БИКОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИХТИРОЧИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Пахта қуритиш учун барабан секторли пахта сушилкаси ихтиро қилганлиги ва уни хўжаликларда жорий этганлиги учун «Узсельхозтехника» Фарғона область бирлашмаси ишлаб чиқариш-техника бўлимининг инженери Дмитрий Ананьевич **Биковга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ихтирочи» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Ё. НАСРИДДИНОВА.**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари **Р. САХИБОЕВ.**

Тошкент шаҳри, 1964 йил 13 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Т. А. БИКОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН РАЦИОНАЛИЗАТОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Пахта қуритиш учун барабан секторли пахта сушилкаси конструкцияларини ишлаб чиқишда ва хўжаликларда жорий қилишда қатнашганлиги учун Фарғона область, Охунбобоев районидаги Киров номли колхоз механиги Тимофей Ананьевич **Биковга** «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган рационализатор» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Ё. НАСРИДДИНОВА.**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари **Р. САХИБОЕВ.**

Тошкент шаҳри, 1964 йил 13 июнь.

Биковлар сушилкаси

ТАЖРИБА ВА ТАШАББУС

Тимофей ва Дмитрий Биковларни Охунбобоев ишлаб чиқариш бошқармасидаги Киров номли колхозда каттадан-кичик ҳамма танийди. Улар колхознинг кўпгина оғир ишларини енгиллаштириб бердилар. Бу азаматлар пахтачиликдаги оғир меҳнатни механизациялаштиришга катта ҳисса қўшиб, жумладан, пахта қуритиш сушилкаси яратдилар.

Биковлар яратган сушилка бир мавсумнинг ўзида барча сарф-харажатларни қоплаб, коллектив хўжаликларга катта фойда келтиряпти. Биковлар яратган сушилка Киров номли колхозда 1951, Ленин номли колхозда 1960, Тошлоқ пахта тозалаш заводида 1961 йилдан бери унумли ишламоқда.

Тажриба Биковлар сушилкасида соатига 12-15 тонна пахтани қуритиш ва тозалаш мумкинлигини кўрсатди. Бир сушилка 600 гектар майдондаги ҳосилга мўлжаллаб қурилади. Барабанли сушилка ҳисобланган Биковлар сушилкаси 25 та газ сушилкасининг ўрнини босади, колхоз ва совхозларга катта фойда келтиради.

Янги сушилка унча мураккаб эмас. У ҳўл пахтани ҳам қуритади, ҳам тозалайди.

Тоза пахта тўғридан-тўғри конвейер орқали машина ва прицепларга юкланади. Сушилкада 6-8 киши ишлайди.

Ака-ука Биковлар Ленин номли колхозда сушилка қурганларидан кейин бу хўжалик пахта қуритишдек сермеҳнат ишдан ҳали бўлди. Бу сушилка тиклангунга қадар колхозда 10 та газ сушилкаси ишларди. Уларда икки юздан ортиқ одам банд бўларди. Янги сушилка жуда тежамли. Колхоз илгариги сушилкаларга йилига уч юз тоннадан кўпроқ кўмир сарф лаган бўлса, Биковлар сушилкасига ўз миқдорда солярка кетади, холос.

Колхозда кейинги йилларда бир неча минг тонна пахта Биковлар сушилкасида қуритилди. Қуритилган пахталар тўхтовсиз қабул қилинди. Уларнинг сифати кўнгилдагидек, пахта қуритиш учун сарф-харажат илгариги йилларда гига қараганда беш-олти баравар камроқ бўлди.

— Биковлар сушилкаси хўжалигимиз мулки бўлиб қолди,— дейишади колхоз мутахассислари.— Сушилка бир йилдаёқ сарф-харажатларни тўла қоплади. Бу ёғи бизга фойдага қолди. Сушилка авторларидан бири — Дмитрий Биков сушилканинг ишидан тез-тез хабар олиб туради, бизга амалий ёрдам беради.

Биковлар сушилкасининг ҳамма жойда унумли ишлаши хўжаликларга катта иқтисодий фойда келтиради. Биковлар сушилкасига зўр эътибор билан қараш, ҳамма хўжаликларда шу хилдаги сушилкалар қуриш керак.

И. ТУХТАСИНОВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ • 2

18 ИЮНЬ 1964 ЙИЛ
№ 140 (12.794).

ҚАРДОШЛАР МАСЛАҲАТИ — ИШИМИЗГА МАДАД

ХЎЖАЙЛИДА НИМАЛАРНИ КЎРДИК

ТОЖИК ПАХТАКОРЛАРИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ДАЛАЛАРИДА

Биз Тожикистон пахтакорлари ўзаро текшириш бригадасининг бир группа аъзолари Қорақалпоғистон АССР Хўжайли ишлаб чиқариш бошқармаси колхоз ва совхозларининг далаларини кўздан кечирдик.

Бошқарма меҳнаткашлари бу йил 17 минг гектар ерга чигит экиб, мамлакатга 26,5 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилганлар. Кўпгина хўжаликлар баҳорда об-ҳавонинг анча ноқулай келганлигига қарамасдан, чигит экишни муваффақиятли тугаллаб, уни бир текис ундириб олганлар.

Айниқса Ленин номли, «Партия XVII съезди», Охунбобоев номли колхозларнинг кўпгина бригадаларида ғўзалар баравж ўсмоқда. Қатор ораларини ишлаш, озиқлантириш, суғориш бир-бирига қўшиб олиб борилмоқда. Ленин номли колхознинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Олима Ортиқбоева бошчилиқ қилаётган звеносида иш қизғин.

Шу колхознинг Тожихон Тиловмуродова ва Сора Хўжаметова ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам ғўза парваришни жадал суръат, аъло сифат билан олиб борилмоқда. Мазкур бригадалар айниқса суғоришга эътиборни кучайтирмоқдалар.

Афсуски, бошқармадаги бир қатор хўжаликларда ғўзани культивация қилиш, озиқлантириш ва суғориш агротехникаси бузилмоқда. «Шуманай» ва «Амударё» совхозларида (директорлари С. Тўрамуродов ва Б. Алқувватов ўртоқлар) катта-катта майдонлардаги ғўзалар ривожланишдан орқада қолмоқда. Биргина «Амударё» совхозида бундай ғўзалар 500 гектарни ташкил этади. Лекин совхоз раҳбарлари ривожланишдан орқада қолган ғўзаларни алоҳида парвариш қилишга аҳамият бермаяптилар. Баъзи карталардаги ниҳоллар ўз вақтида суғорилмасдан чанқатиб қўйилмоқда.

Ҳар иккала совхозда ҳам ғўзани озиқлантириш агротехникаси қўпол равишда бузилмоқда. Минерал ўғитларга ғўнг аралаштириб солиш йўлга қўйилмаган. Бир неча ўн гектар майдондаги ғўзани бегона ўт босган бўлса-да, уни йўқотиш иши билан чинакамига шуғулланилмаётир. Айни вақтда, трактор культиваторларининг иш унуми паст.

Калинин номли колхоздаги аҳвол янада ташвишлидир. Бу ерда ғўза парваришн юзасидан графиклар бажарилмаётир. Анча майдондаги ғўза сувсираб сўлиб қираб қолган. Колхоз бўйича 250 гектар ердаги ғўза бегона ўтлар орасида қисилиб ётибди.

Шундай бўлгани ҳолда бегона ўтга қарши кураш суст олиб борилмоқда. Баъзи бригадаларда занг босган культиваторлар билан культивация ўтказилмоқда. Натижада бегона ўтлар чала-чулпа қирқилаётир.

Б. Назаров, Э. Массапаева ўртоқлар раислик қилаётган «Коммунизм» ҳамда Энгельс номли колхозларда ҳам ғўза парваришининг суръати ва сифати шу кунинг талабларига жавоб беролмайди. Кўпгина участкаларда суғоришдан кейин кечикиб культивация қилиняпти.

ғўза парваришида рўй бераётган худди шундай камчиликларни бошқармадаги бошқа бир қатор хўжаликларда ҳам учратиш мумкин. Культивация қилиш, суғориш ва озиқлантириш ишларининг кечикаётганлигига даставвал шу нарса сабаб бўлмоқдаки, Калинин номли, Карл Маркс номли, «Коммунизм» колхозларида ва бошқа хўжаликларда дала меҳнаткашлари учун қулай шароитлар яратиб берилмаган. Дала шийпонларининг кўпчилиги ҳалигача безатилгани йўқ. Уларда колхозчилар учун иссиқ овқат тайёрланмайди. Баъзи бригадаларда болалар боғча ва яслилари йўқ.

Хўжайли пахтакорлари ривожланишдан кечикиб ғўзаларни тез ўстириб олиш ва шонага киритиш учун суғориш билан озиқлантиришни бир-бирига боғлаб олиб боришлари зарур. Даставвал ана шундай участкаларни аниқлаш ва улар устидан алоҳида назорат ўрнатиш талаб этилади.

Ғўзани озиқлантириш агротехникасига заррача ҳам хилоф етказмаслик керак. Минерал ўғитлар, албатта, маҳаллий ўғитларга аралаштирилиб, сўнгра ғўзаларга солиниши лозим. Акс ҳолда ўғитларнинг фойдаси жуда кам бўлади. Тракторларни ишга туширишдан олдин культиваторнинг ишчи органларини нўздан кечириш, занг босган культиваторлардан фойдаланмаслик керак.

Бошқарма хўжаликлари сувчиларнинг ва механизаторларнинг ролини бениҳоя оширишлари зарур. Чунки ҳосил тақдири даставвал ана шуларнинг ғайрат ва шижоатига, маҳоратига боғлиқдир.

Хўжайли пахтакорлари ана шу маслаҳатларга амал қиладилар ва ғўза парваришини ҳар қачонгидан ҳам жадаллаштириб юборадилар, деб ишонамиз.

З. РУСТАМОВ,
Тожикистон ССР Хўжанд ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Москва» колхозининг участка бошлиғи,

С. ЭРАЛИЕВ,
Ашт ишлаб чиқариш бошқармасидаги Калинин номли колхознинг бош агрономи.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҲАМ ЎРГАТИБ, ҲАМ ЎРГАНИБ...

ТЕРМИЗ, 16 июнь. (**«Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали олинди**).

Тожикистон ССР қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрининг ўринбосари ўртоқ П. Т. Сердюков бошчилигидаги ўзаро текшириш бригадаси Сурхондарё областига келди. Бригада составида Панж ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Победа» колхозининг бригадири М. Салохов, Куйбишев ишлаб чиқариш бошқармасининг бош агрономи А. Воҳидов, Қўрғонтепа ишлаб чиқариш бошқармасидаги Куйбишев номли совхоз агрономи С. Юнусов, Колхозобод ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхозининг бош агрономи Х. Тожибоев ва бошқа ўртоқлар бор.

Меҳмонлар группаларга бўлиниб, область хўжаликларида социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини кўздан кечиряптилар. Улар даставвал Сариосиё ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Янги рўзғор» колхозининг А. Сайриддинов бошлиқ комплекс механизациялашган кўчиевчи бригадаси ғўзаларини кўздан кечириб, дала гвардиячиларининг ишидан ғоят хурсанд бўлдилар. Гектаридан 50 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олган бу бригада аъзолари учинчи парваришни тугаллаяптилар. Ғўзалар бўлиқ, серавж, ёппасига шоналаган, ўсимлик нормал қалинликда.

Тожикистон пахтакорларининг вакиллари А. Сайриддинов бошлиқ бригада далаларида ғўзани ён томонидан озиқлантириш, эгилувчан найчалар билан суғориш, ҳашаротга қарши курашда тунги чироқлардан фойдаланиш каби усулларни қунт билан синчиклаб ўргандилар ва буни ўзлари ҳам албатта жорий этажакларини айтдилар. Айни вақтда меҳмонлар бир неча ўринли эътирозлар ҳам билдиришди.

Масалан, карталарнинг четлари ва уватларга чигит экилмай қолиб кетган. Баъзи пайкаллар атрофидаги бегона ўтларда карадрина пайдо бўлган. Шунга қарамай, колхоз мутахассислари ҳашаротга қарши курашни жадаллаштирмаганлар.

Қардош пахтакорлар қимматли маслаҳатлар бердилар ва кўрсатилган камчиликларни шу жойнинг ўзида тузатишга кўмаклашдилар. Бригадада культивация, озиқлантиришнинг сифати устидан кейинги вақтда назорат ўрнатилмаган. Трактор чи Р. Мирзаев ғўзани озиқлантирувчи аппарат ичида ўғит аллақачон тамом бўлишига қарамай, ғўза қатор ораларида юраверган.

Колхознинг Х. Саидов бошлиқ бригадасида 87 гектар ғўза бегона ўт ичида қисилиб ётибди. Бу ҳол меҳмонларни қаттиқ ранжитди. Ўсимликда ўргимчаккана пайдо бўлган, лекин унга қарши кураш чоралари кўрилмаган. Х. Мелибоев бошлиқ бригадада ҳам аҳвол худди шундай. Ғўзани ҳар хил ҳашарот босиб ётибди. Трактор чи И. Юсупов қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда заҳарли химикатлардан фойдаланиш системасини билмайди. Агроном-энтомолог М. Мирзаев ўз ишига ўта кетган даражада масъулиятсизлик билан қараб келмоқда.

Тожик пахтакорларининг яна бир группаси Шўрчи ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Социализм» колхози далаларида бўлдилар. Улар Р. Алиқулов бошлиқ бригаданинг ишларини завқ билан синчиклаб ўргандилар. Бригада даласида 3 та трактор узунасига ва кўндаланг ига культивация қиляпти. Бу ерда сувчилар ва механизаторларнинг иши яхши ташкил қилинган.

Бироқ, колхознинг Х. Тиллаев бошлиқ бригадасидаги аҳвол меҳмонларни қаттиқ ранжитди. Бу ерда суғориш билан культивация орасида катта узилишга йўл қўйилган. Эгатлар қотиб, кесаги кўчиб кетяпти. 20 гектар майдондаги ғўза ҳанузгача суғорилмаган. Бригадада оммавий-сиёсий ишлар савияси паст. Ҳатто колхозчилар кунлик иш нормаларини ва меҳнатга ҳақ тўлаш тартибини билмайдилар. Шу сабабли меҳнат интизоми бўшашиб кетган.

Колхознинг Мўмин Эргашев бошлиқ бригадаси тракторчиси Абдулла Баракаев культивация вақтида ғўзаларни қирқиб кетаётганлиги, сувчи А. Ҳайитмуродов эса экинларни ёппасига бостириб суғораётганлиги, 25 тонна азотли ўғит очиқ ҳавода ётганлиги, анча майдонлардаги ғўзани мол еб кетганлиги каби ҳунук нуқсонлар қардош пахтакорларнинг диққатидан четда қолмади. Улар бу хато ва камчиликлар учун колхоз раҳбарларини қаттиқ танқид қилдилар ва шу билан бирга йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш йўлларини кўрсатдилар.

Тожикистон ССР пахтакорларининг вакиллари дастлабки кунларда Сариосиё районидаги Ленин номли, Калинин номли ва «Коммунизм» колхозларида ҳам бўлдилар. Улар ғўза парваришидаги илғор тажрибаларни ўрганиш билан бир қаторда мўл ҳосил етиштириш соҳасидаги ўз тажрибаларини ҳам ўзбек пахтакорларига сўзлаб бердилар.

А. ХАЛИЛОВ.

НОЗ-НЕЪМАТЛАР КОРХОНАСИ

ҒАФУР ҒУЛОМ

Не хушдир йил бўйи нун ўрта пайти
Укроп, помидорли серпиёз шўрва,
Жонингга қуввату руҳингга дармон
Янги картошкадан пишган қўғурма.
Ошновок мантуси, карам дўлмаси,
Қатигу саримсоқ билан лаззатли,
Қийма тўлдирилган болгар қалампир
Димлама бақлажон каби иззатли.
Қуёш тиг урганда, чинор тагида
Эриган новвотдай бир коса қовун,
Танангни яйратиб, ҳордиқ чиқариб,
Меҳнаткаш вужудинг ростлайди тобин.

Бу энди шунчаки ном. Катта сўзимга тушиб олгунча, зинапоя бўлармикин дегандай, ростмана сўзларни вазнга ва қофияга солиб чиқдим.

Сўз Наманган бошқармасидаги Тельман номли сабзавотчилик колхози устида боради. Сабзавот колхози деганда мазмун кичрайиб қолгандай. Бу ерни сабзавот етиштириш гиганти, қозонга тушишга мунтазир турган масаллиқларнинг азамат дастгоҳи, сиҳат-саломатлик фабрикаси, бутун ҳарфлар жадвалидаги витаминларнинг нақдина хазинаси, тўйинчилик ва фаровонлиқнинг тимсоли, минг-минг аёлманд оилаларнинг бугуни, ҳозири, эртаси, орқа таянчи, запаси — заҳираси деса бўлади.

Бу ерда сўз шу барака дастурхонини безагувчи камтарин соҳибқорлар, маърифатли агрономлар, соҳийдай мироблар, раисдан тортиб усти-боши мазутли механизатор, қўли қадоқ, зеҳни ўткир оддий колхозчилар тўғрисида боради. Бу боғ-бўстонлардан йўл олиб сизнинг мўл-кўл дастурхонингизга етиб келган ноз-неъматлар шуларнинг қўлидан чиқади. Бу — шуларнинг баракали меҳнати натижаси.

Муқаддас Наманганимизнинг баракали олтин тупроғи, қадимий жуғрофия китобларида қайд қилинган «иқлими чорум» — «тўртинчи иқлим»нинг ҳаётбахш офтоби, Тиёншонининг мўйсафид манглайидан оқиб келган Норин дарёсининг Нўшдори каби зилол сувлари, шифобахш водийимизнинг жонга роҳат майин шабадаси ва буларнинг устига энг заврри, сабаби аввал бўлган тимағур инсоннинг узлуксиз ва онгли меҳнати, даврримизнинг инсон онгига берган олий маърифати шу жамғармаларни сизнинг назарингизга пешкаш қилиб қўйди.

Пиёзнинг думини мард қирқсин, деган ўзбек мақоли бор. Сиз бир боғ барра пиёзни, бир боғ укропни, икки бош саримсоқни, учта бодрингни, олтита помидорни, битта аччиқ қалампирни тўғраб, палов олди шакароб тайёрламоқдасиз. Шу неъматлар сизнинг тигингизга бўйин бергунча колхоз сабзавотчиларидан Тошпўлат отанинг кўз нуридан ўтган, Абдурахимжоннинг йигитлик кучидан бир тутамини ўзига шимган, Дилбархон Аминованинг жамолидан ранг кўчирган. Сизга таниш бўлмаса ҳам, қон-қариндош бўлган колхозчи меҳнаткашлар сиздан ҳеч нимани аямаган. Бу колхозчи меҳнаткашлар тонг ёрир-ёримас ишга чиқадилар. Кўкаламзор устига тўкилган шабнам, Чортоқ томондан эсиб турган майин шабада, Помир чўққиларида бош кўтарган алвон ранг шафақ буларга пешвоз чиқади. Меҳнат қилиб турган участкаларигача етаклаб боради. Буларни эрта уйғотган, эрта меҳнатга тарғиб қилган қудрат ўз иштиёқлари, ўз муҳаббатларидир. Чунки булар шу меҳнатда ўз саодатларини, ўз бахтларини, ўз келажакларини аниқ кўрадилар. Бу ерда меҳнат-роҳат билан ҳамоҳанг, ҳосил дил билан қофиядош, тонг онг билан ундошдир.

Зарурият билан ялаб топиш — ижод дастурхон, қозон-товоқ устида ажойиб мазмунларга, ажойиб шаклларга эга бўлар экан. Яъни ота-боболаримиз яшаган ғариблик замоналарида нонушта қоқ нон, қайноқ сув, тушлик эса ёвғон-пиёва шўрва, мабодо топилса мошновоқ, кўпинча кечқурунлари тамаддиқ «худога шукур» деган тасалли билан ўтар эди.

Бизнинг замонада нишлар ўз меҳнатлари маҳсулига ўзлари эга. Нонушта оқнонсиз, қаймоқсиз, қуймоқсиз, қандсиз, салатсиз ўтмайди. Тушлик бўлса, турли-туман шўрвалар, иккинчиси қуш, қўй, мол гўштларидан пиширилган овқатлар, кечки бўлса, норин, палов, чучвара, манти, лағмон. (Дунёда капалакнинг тури билан овқатнинг турини ҳеч ким санаб охирига етказолмаган). Ҳа, хўп, шунча-ку, ноз-неъмат сенга муҳайё экан, е, тўй, жонинг соғ бўлсин. Аммо тўқлик шўхлик келтиради деганларидай овқат пиширган ҳар пазанда шу овқатга бирор янгилик киритмончи, ижод қилмончи бўлади. Йигитларимиз тўпланиб ош қилганда шоир бўлиб кетадилар, бирор қизимиз ўз пиширган овқатининг тузидан, сувидан, ўтидан янглишса, «Ҳамрохоннинг қўли бемаза» деган таънага қолади.

Озиқ-овқатимизга тушадиган бу турли-туман сабзавотлар овқатнинг хурушигина, зийнатигина эмас, нақдина вужуд учун зарур бўлган куч ва қудратдир.

Тельман номли колхоз бултур тўрт ярим минг тонна помидор, 2 минг тоннага яқин карам, бир тоннага яқин бақлажон, бир талай сабзи, пиёз ва бошқа қўқатлар етказиб беради. Бу йил колхоз ҳаммаси бўлиб 11 минг тоннадан ортиқроқ маҳсулот тайёрлайди.

Энди бу маҳсулотларнинг чўғини чамалаб кўриш учун қуйидаги оддий солиштирма калит бўлади. Яъни, минг тонна помидор дегани бир миллион килограмм бўлади. Урта оила тўрт жон ҳисобланса, бир тонна помидор билан тўрт миллион киши бир кунлик шўрвани лаззатли қилиб ичади. Колхоз эса юқорида айтилганидай 11 минг тонна маҳсулот етказиб беради. Қоғоз-қалам қўлингизда, бу ёғини ўзингиз ҳисоблайверинг.

1820 гектар ерда маҳсулот етиштирадиган колхоз меҳнаткашларининг саҳоватли маҳсуллари биргина сабзавот билан чекланиб қолмайди. Уларнинг бободеҳқонлигидан бахраманд бўлган меҳнаткашларимиз ташаккур айтадилар. Негаки, бу корхонада инсон ошхонасига зарур бўлган ҳамма жамғарма тайёрланади. Колхоз меҳнаткашлари йилимиз бошидаёқ 760 центнер ғўштни тайёрлаб, ҳаммадан олдин эл олдидаги мажбуриятларини бажардилар. Қирқ минг дона тухум бердилар (учтани чақсанг, қўймоқ тайёр), 100 гектардаги шолипоядан 40 центнердан шоли тайёр бўлади. Булар серқуёш республикамиз тўйига катта тўёна!

Почча отанинг жамбули райҳон ўсиб ётган ёнбағирларида, Наманганнинг гулларга тўлиб ётган боғ-бўстонларида, райҳон, ифор ҳидли адирларида юзлаб қутилардаги асалари салтанатининг миллион соғлом аскарлари сизнинг тилингизни чучук қилиш учун минг-мингдаб килограммлаб бол йиғиб ётибди.

Кулсаларинг кулаверинглар, ўқувчиларим. Холис сўз билан шуни айтаманки, Наманган қизларини яхши кўраман. Ипакка ҳам ўхшайди, нурга ҳам ўхшайди, олмага ҳам ўхшайди, гилосга ҳам ўхшайди, гулга ҳам ўхшайди. Рассом табиат бутун маҳоратини шу қизлар нусхасида машқ қилиб кўргандай. Олмалари ҳам, гилослари ҳам, бир юз қирқ навли узумлари ҳам, анорлари ҳам, ширинлиги қизларнинг сўзларига, шароби илтифотига, сирқаси жаҳлларига ўхшайди.

Ия, ҳозир-ку, олча фасли. Унута ёзибман. Наманган олчасига атаган шеъримдан икки тўртлик келтираман:

Наманган қизларин лалин лабидай,
Мунча шифолисан ёқут олуча,
Абу Али Сино «Ал қонун»ида
Сиҳатлик бобининг туб мазмунича,
Уничга тўймаган бўз ўғлон каби
Оғиз, бурним қонаб ўта берайми?
Қип-қизил тилимга келганин мақтаб
Данагинг ажратмай юта берайми?..

Бу азамат хўжалик қондош-қариндошлар дастурхонига беш юз тонна гилос, олча, олма, узум, анжир, хурмо, шафтоли, анор, беҳи, бодом, ёнғоқ тўкади.

Ҳар бир олма муҳаббат рамзидир, ҳар бир жуфт анжир соғломлик бонси, ҳар бош узум қон ва жигар табиби, бир дўппи гилос, бир чўнтан ёнғоқ бахтиёр авлодимиз — болаларимизнинг кўча-кўйни тўлдирган ҳаҳ-ҳаҳаси, қувончи, ҳар битта анор юз қизиллиги, ҳар бир ҳовуч бодом йўтал шифоси, лафз ширинлиги.

Тасанно, азизларим, колхозчи биродарлар. Сиз етиштирган тўрт юз қирқ минг дона қовун-тарвуз бизга ғоят манзур ва жон озуқаси.

Энди, ота-боболаримизда «ёғ ичиб, ялангоч ётибман» деган гап бўлувчи эди. Биз-ку, ноз-неъматлар ичида ёғ ичиб яшаяпмиз. Қадрдонимиз, содиқ ленинчи Н. С. Хрушчев айтган сўзларининг мазмунича, яхши овқат билан тўйинган киши кўркам кийим-бошлар ҳам кийиши керак. Тельман номли коллективга бирлашган меҳнаткашлар 30.000 килограмм пилла топшириш арафасида туришибди, 5 400 килограмм жунни тайёрлаб қўйдилар. Бу дегани қизларимиз атлас кияди, йигитларимиз — шивёт костюм.

Чунки, биз шон байроғини қизил ипакдан тўқиб, олам уфқига кўтара олган каттакон ва ғолиб давлатнинг гражданларимиз.

Мен колхоз давлатининг мадҳини қисман ёздим. Кишини бахтиёр қиладиган, умрини узоқ қиладиғ ан, ғам-ғуссаларини йироқ қиладиган шунча неъматларни етиштира олган кишилар энг аввал ўз ҳаётларида, кишиларо муносабатларида, онгу маърифатларида, жаҳоний тушунчаларида қандай кишилар?

Шу кишилар ким ўзи?

Булар—улуғ социалистик революциямизнинг офтобидан баҳраманд бўлган каттакон Совет Шарқининг ажралмас қисми бўлаги ва унинг эркин ақл, озод меҳнатдаги халқлари, Ленин партияси раҳнамолик қилиб турган Совет Иттифоқининг граждаплари.

Тельман номли колхоз — интернационал колхоз. Бу ерда ўзбек, рус, қирғиз, қозоқ, татар, тожик, озарбайжон, корейс фарзандлари бир тан, бир жон бўлиб, ака-ука, қуда-кўдагай бўлиб ишлайдилар.

Колхоз фақат мева-чева, сабзавот, ғалла, балиқ, парранда ғўштигина етказиб бермайди. Атроф жавонибдаги хўжаликларга юқори малакали кадрлар ҳам етиштириб беради (гарчанд сабзавот-мевалар билан одамизодни қиёс қилиш муносиб бўлмаса ҳам).

Аввало шуни, колхознинг раиси, дўстимиз Юнусали Йўлдошев ҳам шу колхозда нашъу-намо топган, у раҳбарлик даражасига кўтарилиб, етук агроном, билагон раҳбар кадрлардан бири бўлди.

Тошкентдаги ТИИИМСХнинг ректори С. Пўлатов, «Узсельхозтехника» Фарғона бўлимининг бошлиғи инженер У. Исомхонов, Янгиқўрғон районидаги «Ленинчи йўл» колхозининг агрономи Э. Нурматов каби ўнлаб мутахассислар шу колхоз аъзолари эдилар.

Ҳар бир бўлган воқеанинг сабаби — хамиртуруши бўлади. Бу олим кадрларни етиштирган хамиртуруш — колхоздаги 2 та ўрта, 5 та саккиз йиллик мактаб, оиладаги ота-она таълими, тарбияси, юксак ахлоқ, озодалик, меҳр-вафо, муҳтарам ўқитувчилар, асрдийда мўйсафидлар, шкаф тўла китоблар, меҳнатга бўлган муҳаббат, нишларнинг кишига чинакам биродарлик ҳисси бўлса керак.

Колхоз азаматлари республикамиз Компартияси Марказий Комитетининг меҳнаткашлар моддий-маданий шароитини яхшилаш юзасидан белгилаган жуда катта, оқилона тадбирларини амалга ошириш йўлида катта ишлар қиляптилар.

Шунчалик давлатни бизга бахш этган
Халқимиз бирлиги беҳад яшасин.
Шунча маърифатни дилга нақш этган
Ленин таълимоти абад яшасин.

Бу суратда колхознинг моҳир сут соғувчиси Ҳадичаҳон Турсунова. У ўзига бириктирилган 25 бош сигирнинг ҳар биридан кунига 8-10 литрдан сут соғиб олмоқда.

Суратда Тельман номли колхознинг раиси Юнусали Йўлдошев. У хўжаликнинг жонкуяр раҳбарларидан ҳисобланади.

Колхоз тракторчиларидан Абдураҳим Ҳолматовни колхозда ҳамма билади. У ҳар куни нарам экилган майдонда 10-12 гектар ерга ишлов беряпти.

ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

● Далаларда иш эрта саҳардан бошланади. Қуёш бош кўтармай туриб, университеллар гуруллай бошлайди, сувчидар эгатларга сув тарашади, ҳар туп ғўзани ардоқлаётган қизлар қўшиғи эшитилади. Шунинг учун ҳам Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасидаги Куйбишев номли колхознинг кекса пахтакор Серкабой Исаев бошлиқ бригадасида ғўза бир текис ривожланмоқда. Далаларда бирорта ҳам бегона ўт кўринмайди. Ўтган йили гектаридан 32 центнердан хирмон кўтарган бу бригада юбилей йилида 35 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқда.

Ф. ҒОИБОВ.
С. НОРБОЕВ.

● Ости доимо юмшоқ, сувга қондирилган ғўзалар текис шоналай бошлади. Андижон областининг «Мингбулоқ» совхозидаги Саодатхон Оллаёрова бошлиқ комплекс механизациялашган бригада аъзолари ғўзани серҳосил қилиб ўстириш учун бутун имкониятлардан фойдаланмоқдалар. Улар янги ўзлаштирилган 106 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» олиш учун курашаётирлар.

С. ЙИГИТАЛИЕВ.

● Вобкент бошқармасидаги Владимир Ильич номли колхознинг 9-бригада сувчиси Санд Рўзиев ўз миришкорлиги билан ном чиқарган. У гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш учун курашга ғўзаларни маромида суғориш билан муносиб ҳисса қўшмоқда. Қулибой Рўзиев, Иброҳим Тешаев, Аъзам Қўлдошев каби сувчилар Саид Рўзиевнинг тажрибаси асосида ғўзани қондириб суғораётирлар.

Р. АЗИМОВ.

ПАХТАЗОР БАЙРОҚДОРЛАРИ

Мухбирлар хатидан

□ □

Халқ хўжалигининг қайси соҳасига қараманг, кишиларга етакчилик қилаётган, ўз меҳнати билан бошқаларга ўрнак бўлиб, уларни яхши ишларга бошлаётган ташаббускор, оташ қалб коммунистларни кўрасиз. Коммунистлар ижодий, янгича фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш коллективларида муваффақият қозонилиши турган гап. Редакциямизга келаётган хатларда шулар ҳақида самимий, илиқ сатрлар бор.

— Каттақўрғон бошқармасидаги «Партия XXII съезди» колхозининг коммунистлари, — деб ёзади мухбиримиз Ш. Очилов,—мўл ҳосил етиштириш учун курашда ғайрат кўрсатмоқдалар. Бу ердаги 118 коммунистнинг қарийб ҳаммаси бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланяпти. Улар июнь ойини ҳосил тўплаш учун курашда зарбдор ой деб эълон қилиб, ғўза парваришини тобора кучайтирмоқдалар. Али Мажидов, Холиқул Таниқулов, Умарқул Қиличев каби коммунистлар бошчилик қилаётган бригадаларда айниқса иш қизғин. Колхоз коммунистлари социалистик мусобақани ташкил этиш, яхши ишлаётган кишиларни моддий рағбатлантириш, шунингдек, дала меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилмоқдалар.

Бухоролик ўртоқ Н. Охунжонов партком инструктор-партия ташкилотчиси Сафар Йўлдошевнинг яхши ишлари ҳақида ёзиб юборибди. «Партком уни энг қолоқ хўжаликлар — «Ленинизм», «Октябрь» «Пахтакор» колхозларига биркитган эди,—деб таъкидлайди мухбир. —Бироқ, Йўлдошев қийинчиликлардан чўчийдиган йигитлардан эмас. У, ўзига биркитилган хўжаликларнинг партия ташкилотлари билан яқиндан алоқа боғлаб, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда уларга амалий ёрдам кўрсатяпти. Қишлоқ коммунистларининг ишлаб чиқаришдаги ролини ошириш тўғрисида ҳам у. тинмай ғамхўрлик қиляпти. Бухоро бошқармаси партия комитети ходимлари ҳамда қўпгина колхозчилар инструктор-партия ташкилотчи С. Йўлдошевнинг яхши ишларидан хурсанд».

Бошлангич партия ташкилотлари, барча қишлоқ коммунистлари ташкилотчилик кўрсатиш билан бирга, кишилар тарбияси, партия ва ҳукумат қарорларини, илғор фан, практика ютуқларини актив пропаганда қилишга ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу ҳақда жамоатчи мухбирлардан Ш. Ҳамидов, Ў. Саидов, А. Келдибоев, И. Тўхтасинов, А. Зоиров ва бошқа ўртоқлар ҳам ёзиб юборишган. «Чуст бошқармасидаги «Ленинград» колхози пахтакорлари бу йил ҳар гектар ердан қарийб 30 центнердан «оқ олтин» йиғиб олиш ниятиёқида курашаётирлар, —деб ёзади ўртоқ А. Зоиров.— Барча майдонларда ғўза парваришн намунали ўтказиляпти. Раҳмонали Аҳмаджонов, Раҳимжон Имомов, Ниёзбой Назимов, Мамадали Боқиров каби сергайрат механизаторлар ниҳолларни авайлаб парвариш қилаётирлар. Колхоз аъзоларининг баракали меҳнатида, сиёсий савиясини оширишда агитатор ва пропагандистларнинг ҳам хиссаси бор. Бу соҳада Ҳамза номли мактаб коммунистлари ибратли ишлар қилмоқдалар. Ўқитувчилардан А. Раҳматов, У. Абдуллаев, М. Ҳайдаров, Д. Холиқов ўртоқлар пахтазорларда тез-тез бўлиб, илғорлар тажрибаси, қишлоқ хўжалик фани ютуқлари ҳақида колхозчиларга сўзлаб бермоқдалар»...

Пахтазор байроқдорлари, барча ибратли ишларнинг ташаббускорлари — коммунистлар ҳақида Ю. Буховер (Тошкент), Л. Сувонқулов, А. Лапасов, И. Мирзаев, (Самарқанд), М. Муҳаммадиев (Яккабоғ), М. Шарипов, С. Юсупов (Бухоро), М. Зиёдуллаев (Шаҳрисабз) И. Аҳмедов (Калинин бошқармаси), Ҳ. Бобожонов (Наманган) ўртоқлар ҳам жонли мисоллар асосида хабарлар ёзганлар.

3 СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
18 ИЮНЬ 1964 ЙИЛ
№ 140 (12.794).

КЕЧА республикамизда

ОТАХОНЛАР ТАШАББУСИ

— Нуроний отахонларимизнинг бошлаган ташаббуси, — деб ёзади Булунғур ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Гулбулоқ» совхозидан Т. Қодиров, — аммамиз қувонтирди. Отахонлар Сассиқкўл қишлоғидаги бузилган йўлларни текисламоқдалар. Шунингдек, улар Эски Туятортар канали кўпригини қайтадан қуришга киришдилар. Жўрабой ота Олишов, Пиримқул ота Шарипов, Хўжамурод ота Мамараҳимов, Мелибой ота Пардабоев каби кексалар айниқса жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар.

ЯНГИ ТЕХНИКУМ

«Совет Ўзбекистони»нинг Сурхондарё областидаги мухбири А. Халилов қуйидаги хушхабарни билдирди: Термиз шаҳрида янги қурилиш техникуми ташкил этилди. 1964—1965 ўқув йилида техникумнинг саноат ва қурилиш бўлимларида машғулотлар бошланади. Келаси йилда эса гидротехника бўлимини очиш планлаштирилди.

МУХБИРЛАР МАКТАБИ

М. Умаровнинг хабар беришича, «Сирдарьинская правда» газетаси Жеттисой посёлкасида бир йиллик ишчи ва қишлоқ мухбирлари мактабини очди. Ҳозир мактабда 50 дан ошиқ киши ўқимоқда. Машғулотлар ҳар ойда бир марта ўтказилади.

10400 БОЛА ДАМ ОЛМОҚДА

Бухоро район мактабларининг пионерлари ёзни хушчақчақлик билан ўтказмоқдалар, — деб хабар беради Ж. Турдиев. — Ҳозирги кунда туристик саёҳатларда, экскурсияларда, пионер лагерларида 10400 бола ёзги каникулни хушчақчақлик билан ўтказаётир.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ҲУНАР—БОЙЛИК

Кенг ва ёруғ аудитория. Мастер — ўқитувчи Ш. Нурғалиев кабелларни улаш темасида лекция ўқирди. Студентлар унинг ҳар бир сўзини эҳтиёт билан тинглашмоқда:

— Кабелни ётқизишдан илгари канални синчиклаб текширамиз. Унинг чуқурлиги тўқсон сантиметр ёки бир метр бўлади. Чунки кабеллар ҳар хил жуфтда тузилади.

Ташқарида амалий машғулотлар қизғин. Студентлар юз метр узунликдаги кабелни каналга ётқизишди. Унинг учини илгари ўтказилган кабел учига улай бошладилар. Ўқитувчи студентларнинг ишига разм солиб турди.

Устки қатлами олиб ташланган кабелдан симлар кўзга ташланди.

Очиқ симларни бир-бирига жуфт қилиб гилза кийдирилди.

— Гилза нима учун керак? — старший мастер синамоқ учун савол ташлади.

— Кабель симларининг тездан ишдан чиқиб қолмаслиги ва замикание бўлмаслиги учун даркор, — жавоб берди Паттоев.

Тошкентдаги техника-профессионал билим юртида студентлар кабель улаш касбини ана шундай қунт билан ўрганмоқдалар. Билим юртида кабелчиликдан ташқари, кинемеханика, телевизион механика, телеграф, электропайвандлаш каби бўлимлар ҳам бор. Ҳозир бу бўлимларда 485 йигит ва қиз ўқимоқда.

— Илгари бизда, — дейди билим юртининг ўқув-тажриба бўйича директор ўринбосари Алексей Дмитриевич Мичиенко, — телевизион механиклар тайёрланмас эди. Мана икки йилдан буён бу соҳада ёш мутахассислар тайёрланмоқда.

Билим юртида назарий билимни амалий иш билан боғлаб олиб боришга катта эътибор берилмоқда. Ҳар бир бўлимда тажриба-лаборатория кабинетлари бор. Радиотехника, кинотехника, электротехника, акустика, телеграф каби тўгараклар ёшларнинг бир йўла бир неча хил касбни эгаллашларига имкон бермоқда.

Ишлар ўз қишлоқ ва шаҳарларига ҳунар — бойлик эгалари бўлиб қайтмоқдалар.

А. РАҲИМОВ.

ҚИСҚА САТРЛАР

Янгиқўрғон. «Коммунизм» колхози қиёфаси йилдан-йилга обод ва кўркам бўлиб боряпти. Яқинда бу ерда 400 кишилик янги клуб, сельмаг биноси ва трактор парки учун гараж қурилиб фойдаланишга топширилди. 500 колхозчининг хонадони электрлаштирилди.

М. ТОШБЕКОВ.

●

Шовот. Стрельков номли ўрта мактаб қошида медицина ҳамширалари тайёрлаш икки йиллик курси очилди.

О. ОЛЛОБЕРГАНОВ.

●

Бухоро. Шофрикон посёлкаси марказида янги универмаг биноси фойдаланишга топширилди.

Ф. ҲАМРОЕВ.

ҲАЁТ ГУЛЛАРИ

Бебаҳо болалик олтин ёшликнинг
Гаштин суриб ўсинг ҳаёт гуллари,
Қўйлангиз қўшиғин дўст-қардошликни нг
Жўш уриб, лол қилиб шўх булбулларни.

Юзингизда порлар иқбол шуъласи
Шўхлигингиз қучсин жумла жаҳонни.
Сизла чирой очсин умид ғунчаси,
Сизларсиз яшнаган ҳеч гулзан борми?

Эътибор ОХУНОВА.

Суратда: Самарқанд область «Ленинчи пионер» номли пионер лагерида дам олаётган мактаб ўқувчиларидан бир группаси.

Дам олиш соатингизда

⊙ Буйракнинг оғирлиги 120-150 грамм бўлса-да, бу орган жуда катта ва кўп ишларни бажаради. 7-10 минут ичида танадаги барча қон ана шу буйрак орқали айланиб ўтади ва зарарли баллас (қум, шағал) моддаларидан тозаланади. Бир суткада буйракдан 1800 литрга яқин қон айланиб ўтади. Буйрак жуда ҳам тез ишлайди. Унинг оғирлиги киши танаси оғирлигининг 0,5 процентини ташкил этган ҳолда органларимиз фойдаланадиган кислороднинг 9 процентини олади.

⊙ *Сигарет—кишининг ашаддий душманидир. АҚШ, Англия ва Канада олимлари кўп текширишлардан кейин чекувчилар чекмовчиларга нисбатан юрак раки билан 10 баравар кўп вафот этади деган хулосага келдилар. Айниқса сигарет зарарлидир. Буни 30 кундан ортиқ чеккан киши нинг рак билан касалланиш эҳтимоли тамаки чекмаган кишига қараганда 30 баравар ортиқроқдир.*

⊙ **600 миллион парранда ҳар йили Европадан Африкага учиб кетади. Ана шу паррандалар минглаб километрга кана, энусфалит, безгак каби турли хил юқимли касалликларни ташиб боради.**

72 хилдаги 30.000 дан ортиқ паррандани Бирлашган Араб республикасида текшириб кўрганларида парранда турларидан 40 хили кана ташувчилардан эканлиги аниқланган. Буларга бедана, каптар, қирғовул, какку, чуғурчуқ, қалдирғоч, укки кабилар киради.

⊙ Механизатор Жохова «Детчинск» совхозининг марказий бўлимида «МТЗ-35» тракторида ишлайди. У машинасининг устида бир қушнинг тез-тез айланиб юришини ва баъзида радиатори устига қўнишини ҳам сезиб юрарди. Парранда ҳатто машина ишлаб турган вақтда ҳам уни кузатарди. Тракторчи бир куни радиатор билан унинг облицовкаси ўртасида парранда уясини кўриб қолди. Унда тухумлар бор эди.

Трактор ҳар куни у ердан бу ерга кўчиб юради. Бироқ трактор қаерга ишлаш учун олиб борилмасин парранда унинг кетидан қолмасди. Яқинда Жохова тракторни марказий участкадаги мастерскойга олиб келди. Нима бўлди денг? Парранда бу ерга ҳам учиб келди. У бу ерда ишлаётган кишилардан чўчимасдан уясидан ташқарига овқат топиб келиш учун тез-тез чиқиб, яна қайтиб келади.

В. ЛАРИОНОВ.
Малоярославск районы
Калужск области.

⊙ **УЭСТ—КЛИФ (Англия, Эссекс графлиги) шаҳарчасининг гўдак болалик аҳолиси ҳозиргача болаларига ҳужум қилувчи қарға ҳақида қўрқинч билан ҳикоя қиладилар. Қарға уйга дераза, форточка ёки очиқ эшикдан нирар экан. У ёш болаларни кўриб, уларга ёпишар, юзи, боши ва қўлларини жонижаҳди билан чўқир экан.**

Полициячилардан бири ана шу ғалати агрессив қушни кўп қийинчиликлар билан ушлаб олибди. Аммо-ленин жонивонни ҳимоя қилиш маҳаллий жамоатчилик бўлими қушни бўшаттириб юборишга эришди.

В. ПАВЛОВ,
(«Сельская жизнь» газетасидан).

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

18 ИЮНДА

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Шайтонча** (болалар учун қўғирчоқ фильми), 18.25 — **Телевизион янгиликлар**, 18.45 — **Биласизми** (суҳбатли концерт), 19.15 — **ЧП (Фавқулодда ҳодиса) номли бадиий фильмнинг 2-серияси.**

20.45 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.50 — **Телевизион янгиликлар**, 21.10 — **Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги олдидан. Ғафур Ғулом ижоди.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Олмаота телестудиясининг эшиттиришлари.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/VI да **Кулган ниши**, 19/VI да **Севилья сартароши.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Париж сирлари — «ВАТАН», «ИСКРА», «СПУТНИК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Палиастоми — «ДРУЖБА» (1-залда). «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Қатъий ўйин — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 да), «ДРУЖБА» (2-залда кундуз ва кечқурун), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 3 гача), «МОСКВА» (эрталаб 10 ва кеч 10 да).

Туманда отилган ўқ — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Синдбоднинг еттинчи саёҳати — «МИР».

Е ўлиш, ё қолиш — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6 ва 9-45 минутда).

«Ошиқлар» ва «Пичоқлар» — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Жунгли — «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Педагогик поэма—«ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 да).

Бор экан, йўқ экан, бир қиз бўлган экан — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 да).

Калюян — НАВОИЙ номли, «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун).

Кўр ўғли — НАВОИЙ номли (кундуз соат 3-20 ва 5-10 минутда).

Антоша Рибкин — «ВОСТОК» (эрталаб соат 11, кундуз 3, кеч 7 ва 10-45 минутда).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

21 июнда «А» класси бўйича Совет Иттифоқи биринчилиги учун:
«Пахтакор» (Тошкент) — «Локомотив» (Челябинск) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Кеч соат 7 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
(ёзги бино)
Фарғона водийси бўйлаб гастролга чиқиш олдидан
18 июнда
2 бўлимдан иборат

КАТТА КОНЦЕРТ

Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Л. Саримсоқова, Р. Ҳамроев, Т. Жаъфарова, С. Ҳўжаев, М. Ғафуров**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Ф. Раҳматова, Э. Жалилова, Т. Назарова, А. Абдурахмонов**, солистлардан **С. Пўлатов, А. Мирзаева, Н. Исоқова, Б. Ихтиёров, Г. Ёқубова, Р. Тўраева** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ОЛАМ ЯНГИЛИКЛАРИ

Ҳар иккала герман давлати ядро қуролидан воз кечиши керак ❋ Социалистик мамлакатлар чинакам халқаро савдо ташкилоти тузиш учун курашни давом эттиради ❋ Америка учувчиларининг агрессив ҳаракатлари ❋ Манчестрда забастовка ❋ „Ярим тун оптоби пойгаси" ❋ *Франко режимига қарши кураш.*

РАСК ВАЖ-КОРСОН КЎРСАТМОҚДА

ВАШИНГТОН, 16 июнь. (ТАСС). АҚШ давлат секретари Дин Раск сенат ташқи ишлар комиссияси аъзоларининг АҚШнинг Шарқи-Жанубий Осиёдаги сиёсатига таллуқли саволларига кеча икки соатдан кўпроқ жавоб берди.

Комиссиянинг мажлиси ёпиқ бўлди. Мажлис тамом бўлгандан кейин Раск Америка қирувчи-бомбардимончи самолётларининг Лаос устида учиб юрганликлари тўғрисида бирон бир маълумотларни айтиб беришдан бош тортди. Америка информация агентликларининг берган хабарларига кўра, Америка разведкачи самолётларининг ёнида ҳамроҳ бўлиб учиб юрган ана шу қирувчи-бомбардимончи самолётлар Лаос территориясининг қуруқликдаги объектларини ўққа тутмоқда ва бомбардимон қилмоқда.

Раск фақат Лаос ҳукумати «Америка ўзига бериб қўйган самолётлардан» кенг фойдаланмоқда, дейиш билан чегаланди.

Комиссиянинг мажлисида ҳозир бўлган сенатор Морзе журналистларга Раск Американинг Шарқи-Жанубий Осиёдаги сиёсатини оқлаш учун биронта ҳам оқилона важ кўрсата олмади, деди. «Биз бу масалани БМТга топширишимиз кераклигига, деди Морзе,—мен ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ аминман».

КАПИТАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА СИНФИЙ КУРАШ

АНГЛИЯ

Ливерпуль порт ишчилари митингининг қатнашчилари забастовкани давом эттириш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилдилар. Бу забастовка иш ҳақини ошириш тўғрисидаги талабни қўллаб-қувватлаш юзасидан эълон қилинган эди. Бу — Мерсей дарёси ҳавзасидаги докерларнинг кейинги вақтлардаги энг йирик стачкасидир. Бу стачкада 8,5 мингга яқин киши қатнашмоқда. Забастовка натижасида 72 кема тўхтаб қолди.

ИСПАНИЯ

Сан-Себастьян райони ишчиларидан 5 минг киши ва Астурия кончиларидан 6 минг киши иш ташлашни давом эттирмоқда. Франкочи маъмурлар ва корхона эгаларининг тазйиқига қарамай, бу районларда иш ташловчиларнинг сони камаймаётир.

Астурияда фалангачиларнинг махфий шайкалари иш кўрмоқда. Бу шайкалар француз оасчилари сингари антифашистлардан, забастовка қатнашчиларидан, франкочилар режимига қарши нурашаётган барча кишилардан суд ва терговсиз ўч олмоқдалар.

ИТАЛИЯ

«Алиталия» компаниясининг стюардессалари тўрт кундан буён ишга тушишдан бош тортмоқдалар. Улар Фьюмичино аэропортида намойиш ўтказдилар. Стюардессалар ўз иш кунларининг қанча давом этишини аниқ белгилашни компаниядан талаб қилмоқдалар.

АҚШ

Пўлат эритиш саноати ишчилари бирлашган касаба союзининг вакиллари АҚШдаги энг йирик металлургия компаниялари билан олиб борган музокараларда пўлат эритиш саноатида ишга қабул қилиш вақтида ирқий камситиш ғояларини бартараф этишга корхона эгаларининг рози бўлишига эришдилар. Ирқий камситишни бартараф этишга ваъда беришга мажбур бўлган компаниялар орасида Америка индустриясининг «Армко стил корпорейшн», «Бетли—хем стил корпорейшн», «Рипаблик стил корпорейшн», «Юнайтед стейтс стил корпорейшн» ва бошқа шу каби йирик металлургия компаниялари бор. (ТАСС).

БМТнинг САВДО-СОТИҚ ВА ТАРАҚҚИЁТ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

ЖЕНЕВА, 16 июнь. ТАСС мухбирлари Г. Шишкин билан Г. Драгунов хабар берадилар: БМТ нинг савдо-сотиқ ва тараққиёт масалаларига бағишланган конференциясининг ялпи мажлисида кеча комитетларнинг тавсиялари қабул қилинди. Жумладан, ривожланаётган мамлакатларга (одатда, йилига уч процентдан ошиқ фойда олмасдан) имтиёзли шартлар асосида кредитлар бериш ривожланган мамлакатларга тавсия қилинди. Шунингдек халқаро савдо-сотиқ муносабатларининг ва иқтисодий сиёсатнинг принциплари тасдиқланди. Халқаро савдо ташкилоти тузиш масаласи юзасидан қабул қилинган қарор ҳам бир овоздан тасдиқланди. Янги халқаро савдо ташкилоти тузишга таллуқли боб қабул қилинганидан кейин Чехословакия делегациясининг бошлиги Когоут конференцияда қатнашаётган социалистик мамлакатлар группаси номидан баёнот берди. У бундай деди: Мунозара шуни кўрсатдики, конференция қатнашчиларининг мутлақ кўпчилиги ана шундай ташкилот тузишни зарур деб ҳисобламоқда. Бу нарса шу масалани муҳокама қилган комитетда социалистик ва ривожланаётган мамлакатларнинг овозлари билан қабул этилган қарорда ўз аксини топди. Янги ташкилотнинг ривожланаётган мамлакатлар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаси қабул қилинишини таъминламоқ учун социалистик мамлакатлар иложи бўлган ҳамма чораларни кўрдилар. Бироқ, Ғарб давлатларининг қаршилик кўрсатганлиги орқасида комитетда қабул қилинган қарор қайта қараб чиқилди. Натижада конференция халқаро савдо органа тузишнинг шундай лойиҳасини тасдиқладики, бу лойиҳа ривожланаётган мамлакатларнинг лойиҳасига нисбатан кўп баравар бўшроқдир.

КОНГОДА АМЕРИКА УЧУВЧИЛАРИ

ПАРИЖ, 17 июнь. (ТАСС). Конгонинг Киву вилоятидаги қўзғолончилик ҳаракатининг раҳбари Гастон Сумиалу Франс Пресс агентлиги мухбири билан шу вилоятдаги Увира шаҳри яқинида ўтказган суҳбатида, Америка учувчилари бошқараётган самолётлар Киву вилоятида қўзғолончи қўшинлар назорати остидаги жойларни ва шу жойларнинг аҳолисини бомбардимон қилмоқда, деди.

Мен, деди Сумиалу, Конго халқи номидан ва Озодлик миллий кенгаши номидан Конго Республикасининг ички ишларига АҚШнинг бундай аралашувига қарши норозилик билдираман.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

⊙ Швециядаги «Ярим тун оптоби» пойгасида қатнашган совет автомобиль спортчилари бронза медалларни олишга сазовор бўлишди. Улар «Волга» ва «Москвич» автомобилларида мусобақалашган эдилар. Мутахассислар бу автомобилларга яхши баҳо беришди.

⊙ Коувола шаҳрида (Финляндия) Финляндия Аграр иттифоқининг навбатдаги съезди ўз ишини тамомлади. Съезд қабул қилган резолюцияда таъкидланадики, Аграр иттифоқи ташқи сиёсат соҳасида Паасикиви-Кекконен йўлини очиқмай қўллаб-қувватлай беради.

⊙ Манчестер (Англия) докерларидан 2000 киши забастовка эълон қилди. Ишчилар ўз ўртоқларининг ғайри-қонуний равишда ишдан бўшатиб юборилганлигига қарши норозилик билдирмоқдалар. Портда 24 та кема бекор турибди.

⊙ Расмий маълумотларга кўра, 1963 йилдан буён Жанубий Африка Республикасида 101 та сиёсий суд процесси ўтказилган. 1200 дан ортиқ киши суд олдида жавоб берган. Айблануючилардан 44 киши ўлим жазосига, 14 киши умрбод қамоқ жазосига ва 862 киши турли муддатлар билан қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Жанубий Африка Республикаси юстиция министрининг берган маълумотларига кўра, 1964 йилда Жанубий Африка Республикасида 3949 киши «сиёсий сабаблар»га кўра қамоққа олинган.

(ТАСС).

ЯПОНИЯДА ЗИЛЗИЛА

МОСКВА, 16 июнь. (ТАСС). «Москва» Марказий сейсмик станцияси 16 июнь Москва вақти билан соат 7 дан 12 минут 21 секунд ўтганда кучли зилзила рўй берганлигини қайд қилди. Совет Иттифоқидаги сейсмик станцияларининг материалларини дастлабки ишлаш маълумотларига қараганда, бу зилзиланинг эпицентри Хонсю оролининг (Япония) шимолий чеккасидаги райондадир. Эпицентрда зилзиланинг кучи 10-11 балл (12 балли шкала бўйича) бўлиши эҳтимол.

ГДР ҲУКУМАТИНИНГ 18 ЛАР КОМИТЕТИГА МАКТУБИ

ЖЕНЕВА, 16 июнь. (ТАСС). Қуролсизланиш масаласи билан шуғулланувчи 18 давлат комитетидаги совет делегациясининг бошлиги, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. А. Зорин Германия Демократик Республикаси Ташқи ишлар министрлиги ҳалқаро ташкилотлар бўлимининг мудири Ф. Тунни қабул қилди. Ф. Тун 18 лар комитетининг ҳамраиси В. А. Зоринга Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг мактубини топширди. Ф. Тун бу мактубни комитетнинг расмий ҳужжати сифатида тарқатишни илтимос қилди.

Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг мактуби шу куни АҚШ делегациясининг бошлиғи, 18 лар комитетининг ҳамраиси бўлган У. Фостерга ҳам топширилди.

СССР делегациясининг илтимосига кўра, мазкур мактуб 18 давлат комитетининг расмий ҳужжати сифатида нашр этилди.

Мактубда, жумладан, бундай дейилади: Германия Демократик Республикасининг ҳукумат делегацияси 1964 йил 3 февралда Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг баёнотини комитетга топширган эди. Бу баёнотда Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг раиси В. Ульбрихт ҳар иккала герман давлатининг ядро қуролидан тамомила воз кечиш тўғрисидаги шартнома лойиҳасини Германия Федератив Республикасининг канцлери Л. Эрхардга топширганлиги хабар қилинган эди.

Афсуски, дейилади мактубда, Германия Федератив Республикаси ҳукумати Германия Демократик Республикасининг таклифини эътиборсиз қолдирди.

Утган ҳафталар ва ойлар ичидаги воқеалар шуни кўрсатдики, Ғарбий Германия федерал ҳукумати ўзининг бутун кучларини ядро қуролини олишга ёки унга эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритишга сарф қилмоқда. Ғарбий Германия ҳукуматининг мавжуд чегараларни танимаслиги билан, шунингдек бошқа давлатларга нисбатан очиқдан-очиқ территория талабларини илгари суриш билан боғлиқ бўлган бу сиёсати тинчликка жиддий хавф туғдиради.

Германия Демократик Республикаси немис миллатининг хавфсизлиги ва умумий тинчликни сақлаш манфаатларини кўзлаб, ҳамжиҳатликка эришиш имкониятларини қидириб топиш йўлидаги ишларни тинмай давом эттирди. Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг раиси В. Ульбрихт 1964 йил 26 май мактубида ядро қуролидан воз кечиш масаласи ҳақидаги янги таклифлар билан Ғарбий Германия федерал канцлерига яна мурожаат қилди.

Германия Демократик Республикаси ҳар иккала герман давлати ўз ҳукуматларининг ядро қуролидан воз кечиши тўғрисида мустақил баёнот билан майдонга чиқишига рози эканлигини ёритди.

В. Ульбрихтнинг Л. Эрхардга юборган мактубида ҳар иккала герман давлатининг қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олиши таклиф этилган эди: ўз территориясида ҳам, бошқа давлатларнинг территорияларида ҳам мустақил равишда ёки бошқаларнинг ёрдами билан ядро қуроли ишлаб чиқармаслик; ядро қуролини сотиб олмаслик ёки қабул қилмаслик ёхуд уни тайёрлаш учун керакли ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқот ҳужжатларини олмаслик; ядро қуролига эга бўлиш ҳуқуқига бирор шаклда—бевосита ёки учинчи давлатнинг ёхуд давлатлар группасининг ёрдами билан мустақил равишда ёки бошқа давлатлар билан иттифоқлиқда эришиш учун ҳаракат қилмаслик; ядро қуроли синовларида ҳеч қандай шаклда иштирок қилмаслик; ҳар хил ядро қуролларини ўз территориясига жойлаштирмаслик ёки учинчи давлат ёхуд давлатлар группаси томонидан жойлаштирилишига йўл қўймаслик; ядро қуролини мустақил равишда ёки учинчи давлат орқали ёхуд давлатлар группаси орқали ҳеч қачон ишлатмаслик.

18 лар комитетига юборилган мактубда бундай дейилади: Германия Федератив Республикаси ҳукумати кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш ишига ўз ҳиссасини қўшишга тайёр эканлиги ё йўқлигини немис халқига ва бутун жаҳонга исботлаб бериш учун имконият эгадир.

Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг 18 лар комитетига юборган мактубининг охирида бундай дейилади:

Ҳар иккала герман давлатининг ядро қуролидан воз кечиш масаласидаги ҳамжиҳатлиги Европада кескинликни юмшатишга анча ёрдам берган бўлур эди ва НАТО давлатлари билан Варшава мудофаа иттифоқида қатнашувчи давлатлар ўртасида ҳамжиҳатликка эришишни нўзда тутган тадбирларни кўриш учун қулай вазиятни вужудга келтирган бўлур эди.

Ҳар иккала герман давлатининг ядро қуролидан батамом воз кечиши Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг бундан буён ядро қуролининг тарқатилишига йўл қўймаслик ҳақида 1961 йил 4 декабрда қабул қилган резолюциясининг мақсадларига ҳам муносиб бўлур эди.

Мен Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг топширувига биноан Сиз орқали қуролсизланиш масаласи билан шуғулланувчи 18 давлат комитетига мурожаат қиламан ва ўз имкониятларингиз доирасида Германия Демократик Республикасининг тадбирларини қўллаб-қувватлашни сўрайман. Бу тадбирлар умумий тинчлик манфаатларига муносиб бўлиб, ҳар иккала герман давлатининг ядро қуролидан тамомила воз кечишига қаратилган.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТОШКЕНТ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ
қатнаб ўқийдиган ва сиртқи бўлимларнинг 1 ва 3-курсларига
ЎҚУВЧИЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Техникум: агрометеоролог техниклар, аэролог техниклар, гидролог техниклар, метеоролог техниклар тайёрлайди.
Қабул шартлари — умумий тартибда.
Адрес: Тошкент шаҳар, Туркқўрғон кўчаси, 45-уй (10-трамвай, 2, 6-троллейбус, 8, 9, 10, 11, 14-автобуснинг «Ишчилар шаҳарчаси» остановкаси). Телефон 4-14-34.

Тошкент Марказий мол базаси коллективи база ходими
Раҳматилла
ДАМИНОВНИНГ
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545, Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот—32347 Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

«Совет Ўзбекистони», «Правда Востока» ва «Ҳақиқати Ўзбекистон» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.
Р. 05681 ИНДЕКС — 64543. № 6 — 140.